

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

*Қўл ёзма ҳуқуқида*  
**УДК:311**

**ГУЛБОЕВ УЛУҒБЕК ИСЛОМОВИЧ**

**“Ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини статистик ўрганиш  
усуллари”**

**5А 231 401 Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича)  
Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

**Илмий раҳбар:  
И.ф.д. проф З.Тошматов**

**ТОШКЕНТ -2013**

## МУНДАРИЖА

	бет
<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I боб. Ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти – статистик ўрганиш объекти</b>	
1.1. Ташқи иқтисодий алоқалар тушунчаси ва уни статистик ўрганиш зарурияти.....	7
1.2. Ташқи иқтисодий алоқаларни тавсифловчи статистик кўрсаткичлар тизими.....	19
1.3. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва маълумотлар манбаи.....	30
1-боб бўйича хулоса.....	39
<b>II боб. Ўзбекистон республикаси ташқи иқтисодий алоқаларини иқтисодий статистик таҳлили</b> .....	
2.1. Ташқи иқтисодий алоқаларни ўрганишда тўлов балансининг аҳамияти.....	41
2.2. Ташқи иқтисодий алоқаларни статистик усуллар ёрдамида ўрганиш.....	49
2.3. Ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт ҳолатини иқтисодий-статистик таҳлили.....	58
2-боб бўйича хулоса.....	66
<b>III боб. Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда божхона статистикаси кўрсаткичларини такомиллаштириш.</b>	
3.1. Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда божхона статистикаси ва унинг асосий вазифалари.....	68
3.2. Ташқи иқтисодий алоқаларни божхона омили асосида бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштириш.....	75
3-боб бўйича хулоса.....	81
Хулоса.....	83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	88

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги** – Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида сифат жиҳатдан янги жараёнлар юз бермоқда. Бу энг аввало, мамлакатимизнинг мустақилликни қўлга киритиб, ўз ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўзи ҳал этиш, жаҳон хўжалик тизими билан интеграциялашиш учун реал шарт-шароитлар вужудга келганлиги билан изоҳланади. Республикамиз ҳаётидаги айнан мана шу ўзгаришлар хорижий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш масалаларини илмий жиҳатдан ўрганишни объектив зарурият қилиб қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларининг асосий йўналишларидан бири хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда, чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарни барпо этиш ва ривожлантиришдан иборат.

Юртбошимиз И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида таъкидлаганидек: “...ўтган йили иқтисодиётимизга 11,7 млрд. долл. миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14% га ўсди. Жами инвестицияларнинг 22% дан ёки 2,5 млрд. долл. ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79% дан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир”.<sup>1</sup>

Ўтган 2012 йилда бу борада мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқаларида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Юртбошимиз И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий

---

<sup>1</sup>Президент Ислам Каримовнинг “2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).

дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида таъкидлаганидек: “Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида ҳам ашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди”<sup>2</sup>.

Шунуқтаи назардан магистрлик диссертация ишини танлашга юқоридаги қайд этилганлар асос бўлди.

**Магистрлик диссертация ишининг ўрганилганлик даражаси** – Ўзбекистон иқтисодий алоқаларини ривожлантириш ва уни самарадорлигини ошириш масалалари иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу масалалар бўйича хорижлик иқтисодчи олимлар: Ломокин В.К., Евдакимов А.И., Кудров В.М, Киреев А.П., Миклашевская Н.А. Кругман А, Эльянов А.Н, Питер Н, Линдерт А.П. кабилар томонидан тадқиқ этилган. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш бўйича Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмурадов, М.Шарифхўжаев, А.Ўлмасов, А.Алимов, Ш.Жалолов, Г.Г.Назарова, М.Р.Болтабоев, М.Н.Сирожиддинов, Н.Тухлиев, А.Расулов, А.Раззаков, Р.Махмудов ва бошқаларни қайд этиш мумкин.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари:** Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни ривожлантиришга ташқи иқтисодий алоқаларни таъсирини назарий жиҳатларини асослаб бериш ва мамлакат ташқи иқтисодий алоқалари салоҳиятини мукаммал кўриб чиқиб, уни таҳлил қилишдан иборатдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун куйидаги асосий вазифаларни бажариш лозим:

- миллий иқтисодиётни ривожланишида ташқи иқтисодий фаолият сиёсати моҳиятини ёритиб бериш;

---

<sup>2</sup>Президент Ислом Каримовнинг “2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // *Халқ сўзи газетаси*, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).

- ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий воситалари ва уни амалга ошириш усулларини кўриб чиқиш;

- ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалари кўрсаткичларини статистик таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларни ролини ошириш ва интеграцион алоқаларини мустаҳкамлаш йўллари бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Магистрлик диссертация ишининг объекти** - Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари фаолияти ва уни ривожлантириш жараёнлари ҳисобланади.

**Магистрлик диссертация ишининг предмети** - Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш ва уни самарадорлигини ошириш ҳолати.

**Тадқиқоднинг методологик асослари** - қонуний ва меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузалари, мамлакат ҳукуматининг ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш бўйича қарорлари, шунингдек мамлакатимиз ва хорижий мутахассисларининг ташқи иқтисодий фаолиятга оид асарлари ва вақтли нашрдаги мақолаларидир.

**Магистрлик диссертация ишнинг илмий янгилик элементлари қуйидагилардан иборат:**

- миллий иқтисодиётни ривожланишида ташқи иқтисодий фаолият сиёсати моҳияти, асосий воситалари ва уни амалга ошириш усуллари кўриб чиқилган;

- ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишга таъсир этувчи омиллар аниқланган;

- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти кўрсаткичларини статистик таҳлил қилинган;

- Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларни ролини ошириш ва интеграцион алоқаларини мустаҳкамлаш йўллари бўйича илмий асосланган таклифлар тавсия этилган;

- Мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий кўрсаткичлари экспорт-импортнинг 2018 йилгача прогнозлаш амалга оширилди.

Илмий ишнинг таркибий тузилиши ва ҳажми: кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

МДнинг I бобида ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти – статистик ўрганиш объектига қаратилган бўлиб, унда ташқи иқтисодий алоқалар тушунчаси ва уни статистик ўрганиш зарурати, ташқи иқтисодий алоқаларни тавсифловчи статистик кўрсаткичлар тизими, ташқи иқтисодий алоқаларнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва маълумотлар манбаи кабилар ёритилган.

МДнинг II боби Ўзбекистон республикаси ташқи иқтисодий алоқаларини иқтисодий-статистик таҳлилига қаратилган бўлиб, унда ташқи иқтисодий алоқаларни ўрганишда тўлов балансининг аҳамияти, ташқи иқтисодий алоқаларни статистик усуллар ёрдамида ўрганиш, ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт ҳолатини иқтисодий-статистик таҳлили баён этилган.

МДнинг III боби ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда божхона статистикаси кўрсаткичларини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, унда ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда божхона статистикасининг асосий вазифалари, ташқи иқтисодий алоқаларни божхона омили асосида бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Хулоса қисмида олиб борилган илмий тадқиқот натижасида хулосалар қилиниб, улар асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

# **I боб. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ФАОЛИЯТИ – СТАТИСТИК ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ**

## **1.1. Ташқи иқтисодий алоқалар тушунчаси ва уни статистик ўрганиш зарурияти**

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифаларини амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Ҳозирги кунда жаҳон тараққиётининг ўзига хос хусусиятига эга бўлган белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсишида намоён бўлади. Ташқи савдо халқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва бошқа шакллари (кадрларни тайёрлаш, туризм ва х.к.) билан бир қатордаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ҳисобланади”<sup>3</sup>.

Цивилизациянинг ривожланиши алоҳида олинган давлатларни халқаро хўжалик алоқаларига мунтазам равишда жалб этишга олиб келади, бу эса ягона жаҳон иқтисодиётини барпо этишга имкон яратади. Дунёдаги барча мамлакатлар умумий иқтисодий қонунларга кўра ривожланади, улар халқаро муносабатлар иқтисодий характерининг устувор бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистонда кўплаб корхона ва бирлашмалар, корпорация ва компаниялар, фирма ва бошқа ташкилотлар хорижлик шериклар билан ташқи савдо алоқаларини мувоффақият билан ривожлантирмоқдалар, хорижлик инвесторлар иштирокида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга

---

<sup>3</sup>Президент Ислон Каримовнинг “*Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириши, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади*” мавзусидаги 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган енг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси, 2011 йил 22 январ

оширмоқдалар, халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлигини бутун чоралар билан кенгайтирмоқдалар ва чуқурлаштирмоқдалар. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ушбу шакллари миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Ана шу таъсир натижаларининг таҳлили ва халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ривожлантириш истиқболларини белгилаш ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи иқтисодий фаолият тушунчаларининг мазмуни тўғрисидаги аниқ тасаввурга асосланиши керак.

Ташқи иқтисодий алоқалар – иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва фаолиятининг бошқа соҳаларида давлат ва унинг субъектлари халқаро ҳамкорлигининг хилма-хил шакллари тизимидир.

Бинобарин, ташқи иқтисодий алоқалар – бир аниқ мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан халқаро меҳнат тақсимоти, фан ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳамда бошқа омилларга асосланган ишлаб чиқаришни, савдо, сиёсий ва бошқа хил муносабатларидир. Ташқи иқтисодий фаолият ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёнидир.

Ташқи иқтисодий алоқалар халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ва фанни ихтисослаштириш, хўжалик ҳаётини байналминаллаштириш жараёнидан объектив равишда келиб чиқади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши алоҳида олинган мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирига боғлиқлигининг кучайиши билан белгиланади.

Халқаро меҳнат тақсимотининг иқтисодий мазмуни биргаликдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларида ифодаланади. Бунда турли мамлакатларнинг корхоналари муайян товар ёки хизматларни тайёрлашга ихтисослашади, сўнгра уларни айирбошлайдилар. Товар айирбошлаш пулли ёки пулсиз асосда амалга оширилиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда айирбошлаш асосан биринчи вариант бўйича юз беради, яъни хориждан маҳсулот оладиган тараф унинг эгасига барча ҳаражатларни тўлайди. Турли тухфалар, инсон-парварлик ёрдамлари, ишларни мувофиқлаштириш, умумий қарорларни муҳокама ва қабул қилиш, тажриба алмашиш, стандартларнинг

халқаро миқёсда бирхиллаштирилиши, атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир чора-тадбирлар ва ҳоказолар айирбошлашнинг пулсиз турларига киради.

Давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари турли соҳаларда: ташқи савдо, фаолиятнинг илмий-техника, ишлаб чиқариш, инвестиция, валюта-молия ва кредит, ахборот, маданий ва спорт турлари, меҳнат ресурсларини олиб ўтишда ўрнатилади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ана шу барча турларини кўйидаги шаклларга бирлаштириш мумкин: савдо (товарларни айрибошлаш, хизматлар кўрсатиш), қўшма тадбиркорлик, ҳамкорликнинг бошқа турлари. Улар халқаро иқтисодий муносабатлар амалиётида айниқса кенг тарқалган<sup>4</sup>.

Ташқи иқтисодий фаолият ташқи савдога асосланади, чунки бундай фаолият туфайли мамлакатлар ўз ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятига эгадирлар.

Халқаро савдога замонавий қарашлар бир неча назарияларни ўз ичига олади. Улар Адам Смит аллақачон таърифлаб берган мутлақ устунлик назариясидан (1776-йил) бошланади. Назарийетчи ҳар бир мамлакатда бошқа мамлакатлардагига қараганда анча кам чиқимлар билан товарлар ва хизматларнинг муайян турларинин ишлаб чиқаришга имкон берадиган мутлақ устунлик мавжудлигини исботлаб берди (бундай устунлик табиий тусда бўлиши ёки иқтисодий ривожланиш жараёнида эгалланиши мумкин). Савдо ўзаро фойдали бўлиши учун мамлакатларнинг ҳар бири шундай мутлақ устунликка эга бўлиши керак, лекин у ишлаб чиқариш фаолиятининг турли йўналишларидан ўрин олиши лозим. Турли давлатлар иқтисодий фаолиятини ихтисослаштиришнинг асосий шарт-шароитларидан бири ҳам ана шундадир. Смит назариясидан ихтисослаштириш қанчалик чуқур бўлса, мамлакат оладиган фойда ҳам шунчалик кўп бўлади, деган хулоса келиб чиқади.

Д.Рикардонинг «Сиёсий иқтисод ва солиқ солиш асослари» (1817-йил) китобида таклиф қилинган қиёсий устунлик назариясига кўра мутлақ

---

<sup>4</sup>Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият асослари: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт жамғармаси” нашриёти, 2001. 7-бет.

устунликларга эга бўлмаган мамлакатлар ҳам ташқи савдодан фойда олишлари мумкин. Амалда ҳамма макон ва ҳамма замонда мавжуд бўладиган ички ва ташқи нархлар ўтасидаги тафовутлар туфайли исталган мамлакатда уларни ишлаб чиқариш мавжуд чиқимлар нисбатида қолганларини ишлаб чиқаришга қараганда анча фойдали бўлган ва уларни айирбошлаш ўз ишлаб чиқаришга қараганда фойдалироқ бўладиган товар ёки хизматлар доимо топилади. Ушбу назариянинг ривожланиши алмаштириш чиқимлари ҳисобининг муҳим эканлигини кўрсатади.

Демак, XIX асрдаёқ ихтисослаштиришни чуқурлаштириш албатта кўшимча маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга олиб келиш, алмаштириш чиқимларининг илдам ўсиши билан бирга бориши исботлаб берилган. Бунинг маъноси шуки, янада ихтисослаштира бориш мақсадга мувофиқ бўлмай қолади.

Шундай қилиб, қиёсий устунликлар назарияси қуйидагича хулоса чиқариш имконини беради: халқаро савдодан олинадиган энг кўп ютуқ қисман (тўлиқ эмас!) ихтисослаштириш шароитида юз беради, яъни миллий иқтисодиётда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришнинг объектив чегаралари мавжуд.

Хекшер-Олиннинг савдо назарияси сифатида машҳур бўлган назария биринчи ўринга ишлаб чиқариш чиқимларини эмас, балки қандай ресурслар ана шу чиқимларга киришини кўяди, чунки мамлакатлар чиқимларида уларда ортиқча мавжуд бўлган ресурслар фойдаланилган товарларни экспорт қилишга интиладилар. Бунда ички талабни ишлаб чиқарилиши учун ресурслар мўл-кўл бўлган маҳсулотлар билан тўлдириш омилига муҳим рол ажратилади.

Ушбу назариялар учун америкалик машҳур иқтисодчи Василий Леонтьев таклиф этган муайян тузатишлар зарур. У ишлаб чиқариш омилларининг бир хил эмаслигини қайд этади, бу омилларни тақчил ёки мўл-кўл омиллар сифатида кўриб чиқиш мумкин. Саноати ривожланган мамлакатларда ишчи кучи нисбатан чекланган шароитда юқори малакали

мутахассисларнинг нисбатан ортиқчалиги кўзга ташланади. Ривожланаётган мамлакатлар эса малакасиз меҳнатнинг катта ҳаражатларни талаб этадиган маҳсулотни экспорт қилишга интилади. Иккала ҳолда ҳам меҳнатни кўп талаб қиладиган маҳсулот экспорти юз беради. Лекин улар турли характерга эга. Шу билан бирга табиий ресурсларга бой кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда экспорт қилиш кўп сармоя талаб қилади, чунки хомашёни казиб олиш катта маблағларни тақозо этади.

Кейинги пайтда ташқи савдо йўналишини товарларнинг ҳаётий цикли назариясидан келиб чиқиб тушунтирадиган маркетинг назария пайдо бўлди.

Ушбу назарияга кўра ҳар қандай маҳсулотнинг ҳаёт цикли бир неча босқичдан – жорий этиш, ўсиш, етуклик ва тушкунликдан иборат бўлади. Лекин, босқичларнинг ўзи ички ва ташқи бозорлар бўйича нотекис навбатлашади. Айни шу нарса ишлаб чиқаришни ички бозордан ташқи бозорга қайта йўллаш шартлари ва вақтини белгилайди.

Ташқи иқтисодий алоқалар тарихий ва иқтисодий тоифа ҳисобланади. Тарихий тоифа сифатида ташқи иқтисодий алоқалар цивилизация маҳсулотидир. Улар давлатлар пайдо бўлиши билан юзага келади ва бирга ривожланади. Ушбу алоқаларнинг ривожланишига айниқса феодализмнинг таназзули кучли туртки берди. Натурал хўжаликдан товар-пул муносабатларига ўтилиши алоҳида давлатларнинг миллий бозорларни ривожлантиришга, товар айирбошлашида кескин сакрашни туғдиришга, бу эса давлат муносабатларининг иқтисодий соҳасида байналминал алоқалар ва халқаро айирбошлашлар кенгайиши, чуқурлашишига олиб келди.

Иқтисодий тоифа сифатида ташқи иқтисодий алоқалар барча турдаги ресурсларнинг давлатлар ва бошқа давлатларнинг иқтисодий субъектлари ўртасидаги ҳаракати пайтида юзага келадиган ишлаб чиқариш – иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этади. Ушбу икки тарафлама муносабатлар давлат иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини, аввало, унинг ишлаб чиқариш, савдо, инвестицияга оид ва молиявий фаолиятини қамраб олади.

Иқтисодий тоифа сифатида ташқи иқтисодий алоқаларнинг моҳияти унинг функцияларида аниқланади. Қуйидагилар ана шундай функциялар ҳисобланади:

- табиий ресурслар, уларнинг ашёвий ва қиймат шаклидаги меҳнат натижаси билан халқаро айирбошлашни ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш;
- халқаро меҳнат тақсимоти маҳсулотлари истеъмол қийматининг халқаро миқёсдаги эътирофи;
- халқаро пул муомаласини ташкил этиш.

Биринчи функция – табиий ресурслар сифатида қазиб олинadиган маҳсулотлар ва халқаро меҳнат тақсимоти жараёнида олинadиган маҳсулотларни уларнинг ашёвий ҳамда қиймат шаклидаги меҳнат натижалари бозори орқали аниқ истеъмолчиларга етказишдан иборат бўлади. Айирбошлашни ташкил этиш айна вақтда айирбошлашга хизмат кўрсатишни ҳам назарда тутadi.

Иккинчи функция – бажариш жараёнида товар-пул муносабатлари ҳаракатининг яқунланиши ва пулни халқаро меҳнат тақсимоти маҳсулотига айирбошлаш тугашида юз беради. Бунинг натижасида маҳсулотнинг истеъмол қиймати (ёки амалий қиймати) халқаро эътирофга сазовор бўлади.

Учинчи функция – турли халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида пулнинг узлуксиз ҳаракати учун шарт-шароит яратишдир.

Айна вақтда ташқи иқтисодий алоқалар давлатнинг иқтисодий тизимига таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб майдонга чиқади, у ташқи иқтисодий фаолият механизми орқали амалга оширилади. Ҳозирги жаҳон хўжалигида ташқи иқтисодий алоқалар давлат миллий даромадининг ўстириш, халқ хўжалиги ҳаражатларини тежаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш омилларига айланади.

Ташқи иқтисодий алоқалар орқали жаҳон бозорининг товар ва хизматларга талаби муайян давлатнинг ички бозорига ўтказилади, бу эса ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга имкон яратади, бу, ўз

навбатида, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, молия муассасалари ва хизматлар соҳасини ривожлантиришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти билан, ички бозорнинг ташқи бозор билан ўзаро ҳамкорлиги учун сифат жиҳатидан янги негизларни шакллантирадиган туб бозор ўзгаришларини амалга ошириш объектив равишда ташқи иқтисодий омилни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг янги ташқи иқтисодий сиёсатини ва рўёбга чиқариш механизмини ишлаб чиқишни талаб этди.

Ташқи иқтисодий сиёсат – давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солиш ва ишлаб чиқариш омилларининг халқаро тақсимланишида мамлакат иштирокини мақбуллаштириш режимини белгилашга доир бир мақсадга йўналтирилган фаолиятдир. Ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосий таркибий қисмлари – ташқи савдо сиёсати (экспорт ва импорт сиёсатини ўз ичига олади), чет эл инвестицияларини жалб этиш ва хориждаги миллий сармоя қўйилмаларини тартибга солиш соҳасидаги сиёсат, валюта сиёсатидир. Бундан ташқари, алоҳида олинган давлатлар ва минтақалар билан ташқи иқтисодий операцияларни жуғрофий жиҳатдан мувозанатлаштириш вазифалари ҳам ташқи иқтисодий сиёсатни хал этадики, бу ҳол мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ.

Ташқи иқтисодий сиёсат ташқи иқтисодий фаолиятни ҳам тартибга солади. Кўпчилик давлатларда мавжуд бўлган ташқи иқтисодий сиёсат воситаларининг кенг доираси уларга ўз ташқи иқтисодий алоқалари таркибини ва уларни ривожлантириш йўналишларини шакллантиришга ҳам, бошқа мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари ва ташқи иқтисодий сиёсатига ҳам фаол таъсир кўрсатиш имконини беради. Ташқи иқтисодий сиёсат воситаларининг ушбу доирасини савдо-сиёсий механизм сифатида таърифлаш мумкин.

Самарали ташқи иқтисодий сиёсатни шакллантириш учун унинг асосий қоида(принцип)ларини аниқ ва равшан белгилаш лозим. Чунончи, ташқи

иқтисодий сиёсатда ТИФ қатнашчиларининг хатти-ҳаракатларини иқтисодий-ҳуқуқий тартибга солишга асосий ўрин ажратилади, токи у умуммиллий манфаатларга жавоб берсин.

Бозор муносабатларига ва мулкчилик шакллариининг хилма-хиллигига ўтиш, мулкчилик шакллариининг қатъий назар барча корхоналарга ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган шароитда Ўзбекистон давлат монополиясидан ва у билан боғлиқ давлатнинг тартибга солиш шакллариининг воз кечди. Ҳозирги шарт-шароитда давлатнинг бош вазифаси – иқтисодиёт фаолиятининг бозор қоидаларига мос ҳолда ва изчиллик билан жаҳон хўжалигига интеграциялаш сиёсатини ишлаб чиқишдир.

Мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон ўзининг манфаатларидан келиб чиқиб, мустақил ташқи иқтисодий сиёсатни ўтказиш имкониятига эга бўлди. Шу сабабли, ташқи алоқаларни миллий хўжаликни ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлаштириш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда интеграциялаш жараёнларини ривожлантириш вазифасини ўртага кўйилди. Ҳукумат жаҳон хўжалиги ва бозорига нисбатан миллий иқтисодиётнинг янада очиқ бўлишига йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишга киришди. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик алоқаларига тўғридан-тўғри, бевосита кириш жараёни «катта сакраш» кўринишида амалга оширилиши мумкин эмас. Бу жараён босқичма-босқич, объектив таркибий шарт-шароитлар етилишига қараб ва бутун хўжалик механизмини, хусусан унинг ташқи иқтисодий секторини ислоҳ қилиш билан ривожланиб боради.

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига муносиб тарзда киришига йўналтирилган стратегия реал вазиятдан келиб чиқиб, Республика иқтисодий салоҳиятини объектив баҳолаш негизида кўрилади, у навқирон давлатни сиёсий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадларини хал этишга йўналтирилган. Неча ўн йиллар мобайнида шаклланган маъмурий-режали

тизим таназзулга учраган вазиятда «очиқ эшиклар» сиёсати, хўжаликни, шу жумладан ташқи иқтисодий алоқаларни бозорга мослаб жадал эркинлаштириш ижтимоий-иқтисодий нобарқарорликни кескинлаштиришга, иқтисодий инкирозни чуқурлаштиришга олиб келиши мумкин эди. Экспортнинг биргина товарга ихтисослашгани, озиқ-овқат ва саноат товарлари импортига чуқур боғлиқлик Республика иқтисодиётини ночор ҳолга тушириб қўйди, реал иқтисодий ва сиёсий суверенитетни таъминлаш, товар ва хизматлар, ишчи кучи ва сармоя бозорларини жадал суръатларда шакллантириш имконини бермади.

Буларнинг ҳаммаси ҳукуматнинг "шок" усулларидан воз кечишга ва Ўзбекистоннинг реал шароитларига яқинлаштирилган ташқи иқтисодий сиёсат моделини танлашга мажбур этди. Аввало, иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш бошлаб юборилди. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, энг қимматбаҳо импортни сиқиб чиқарадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш кўзда тутилди. Бунинг натижасида, иқтисодиётнинг стратегик муҳим ресурслар билан ўзини ўзи таъминлаши ошди, иш билан бандлик барқарорлашди, валютани тежаш ва ундан янада самарали фойдаланиш амалга оширилди.

Таркибий силжишларни амалга ошириш, табиийки, катта капитал маблағларни ва стратегик жиҳатдан муҳим ресурслар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга доир чораларни рўёбга чиқариш устидан давлат назоратини сақлашни талаб этди.

Ташқи иқтисодий фаолиятга кенг қамровли давлат монополиясидан уни эркинлаштиришга ўтиш босқичма-босқич, бир неча йил давомида амалга оширилиши далили ҳам каттагина иқтисодий ҳокимиятни давлат қўлида жамлаш зарарлигини белгилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришнинг дастлабки босқичларида бир қатор энг муҳим масалаларни ҳал этган меъёрий база

ишлаб чиқилди ва амалиётга киритилди. Биринчидан, корхоналарнинг ташқи бозорга мустақил чиқиш ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. Иккинчидан, ташқи бозорларга чиқиш шартлари мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун бир хил қилиб белгиланди.

Айни вақтда давлат пахта, ипак, олтин ва умумдавлат экспорт ресурсларини ташкил этадиган бошқа товарлар экспортига доир мутлақ ҳуқуқни сақлаб қолди. Ташқи иқтисодий фаолият унинг қаттиқ назорати остида бўлди, экспорт-импорт операцияларининг катта қисми бўйича тарифли ва нотарифли тартибга солиш чоралари қўлланилди. Етарлича қисқа муддатларда таркибий қайта кўриш вазифаларини ҳал этиш имконини берган, экспорт тушумини давлат қўлида марказлаштириш мамлакат валюта ресурслари устидан маъмурий назоратни талаб этди.

Бир қатор стратегик ресурслар импортининг ўрнини босишга доир қатъий чоралар кўрилиши мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини анчагина ошириш билан бирга ташқи иқтисодий алоқаларни ҳақиқатда эркинлаштириш учун шарт-шароит яратиш имконини ҳам берди. Ҳақиқатан ҳам, 90-йиллар бошида нефт маҳсулотлари, буғдой ва ҳоказолар импортига сарфланган юзлаб миллион доллар маблағ мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга ишлатила бошлади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсати мустақилликнинг дастлабки босқичларида қуйидаги вазифаларни ҳал этди:

- экспорт-импорт операцияларини марказлаштиришдан чиқариш;
- давлат эҳтиёжлари учун товарлар экспорти ва импорти устидан назоратни кучайтириш;
- давлат учун стратегик муҳим ҳисобланмайдиган товарлар экспортини соддалаштириш;
- стратегик муҳим товарлар экспортдан олинган валюта тушуми устидан назоратни кучайтириш;

- давлат сиёсатининг барча чораларини қўллаб чет эл инвестициялари жалб этилишини ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш.

Шу тариқа, бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб шароитларида жаҳон бозорларига чиқиш эркинлаштириш ва протекционизм чоратadbирлари чамбарчас боғлиқ, изчил, пухта ўйланган таркибий ва саноат сиёсатига таянадиган сиёсат бўлди. Чунки бундай шароитларда корхоналарнинг монетаристик «табiiй» танланишини ва улар фаолияти натижаларидан қатъий назар, мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг монопол мавқеини сунъий равишда мустақкамлайдиган кенг камровли протекционизмни қўллаб бўлмайди. Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг негизда тўртта асосий қоида ётади:

- ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашишга қобил тармоқлар ва минтақаларни ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқадиган давлатнинг ўзгартирувчилик фаолияти, шу жумладан, мазкур фаолиятнинг божхона механизми ва чет эл инвестициялари учун қулай режим;

- мамлакат хўжалик юритувчи субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини асосан бир галги ташқи иқтисодий битимлардан ташқи бозорларни ушлаб туриш ва кенгайтиришга узоқ муддатли йўналтирилган, улар умумий хўжалик фаолиятининг доимий ва узвий қисми сифатида ташқи иқтисодий фаолиятга йўналтириш;

- ташқи иқтисодий фаолият функцияларини ҳокимият шоҳобчалари, республика ва ҳудудий бошқарув органлари ҳамда тармоқ қоидалари ўртасида аниқ тақсимлаш;

- жаҳон бозорида республика экспортчилари учун қулай шароитларни яратиш мамлакат ташқи сиёсатининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолишига даъват этилган.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини статистик ўрганиш жуда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Дунё тажрибасида бизга маълумки ҳар бир давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари ташқи савдони яъни, экспорт ва импорт каби кўрсаткичларни аниқлашда статистика

катта аҳамиятга эга. Чунки ушбу кўрсаткичларни статистика ташкилотлари ҳисоб-китобини олиб боради. Статистика товар ва хизматлар импорт ва экспортини ўрганишда бир неча усуллардан фойдаланади. Бундай усуллар жумласига статистиканинг умумий усулларидан: динамика кўрсаткичлари, индекслар усули, график ва жадваллар усуллари, таркиб ва салмоқни ифодаловчи кўрсаткичлар, шу билан бирга баланс усули кенг фойдаланилади. Ташқи савдо баланси мамлакат учун маълум муддатда ташқи савдони ҳолатини яққол кўрсатиб беради. Шу билан бирга ташқи савдо баланси мамлакат ташқи савдоси истиқболини ва ташқи савдога тегишли чора-тадбирлар манбаи эканлигини ҳисобга олиши лозим.

Статистика юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичлардан ташқари ташқи савдони салмоғи, унинг структурасини ҳам кенг ўрганади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини таҳлил қилишда статистик усуллардан фойдаланилади. Статистик маълумотларни мамлакат миқёсида ҳисоб-китоб қилиб жадваллар ва графиклар кўринишида тақдим этади. Ушбу кўрсаткичлар мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг экспорт ва импортдаги салмоғини ифодалаб, турли мамлакатлар кўрсаткичлари билан таққослаш имконияти туғилади. Шундай экан ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти кўрсаткичларини статистик усуллар ёрдамида аниқлаб, статистик кўрсаткичларни келтириб чиқаради.

## **1.2. Ташқи иқтисодий алоқаларни характерловчи статистик кўрсаткичлар тизими**

Мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг натижаларини баҳолашда статистик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Уларни ҳисоблашдан асосий мақсад – мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларига ҳолис баҳо бериш, ундаги таркибий ўзгаришларни аниқлаш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари топишдан иборатдир. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг статистик кўрсаткичлар тизими умумий кўрсаткичлар билан бир қаторда, ўзининг хусусий кўрсаткичлар тизимига ҳам эга. Уларни ҳисоблаш методологияси умумий статистика қоидалари ва халқаро меъёрларга асосланади. Бу кўрсаткичлар мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича яқуний хулосалар қилиш имконини беради.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими қуйидагиларни қамраб олади:

1. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг мутлақ кўрсаткичлари
2. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг нисбий кўрсаткичлари
3. Ўртача кўрсаткичлар
4. Самарадорлик ва индекс кўрсаткичлари.

Юқоридаги келтирилган кўрсаткичларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ташқи иқтисодий алоқаларнинг маълум жиҳатларини тавсифлайди. Қуйида уларнинг мазмун-моҳияти, ҳисоблаш усуллари ва қўлланиш хусусиятлари ҳақида тўхталамиз.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг мутлақ кўрсаткичлари - ташқи савдо айланмасининг ҳажми, миқдори ва нархларини ифодалайди. Бу кўрсаткич бир неча статистик кўрсаткичларни қўшиш, айириш орқали топилади. Масалан, 2011 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт ҳажми 15027,2 млн. АҚШ доллари, импорти эса 10509,9 млн. АҚШ долларни ташкил қилган.

Соф экспорт эса 4517,3<sup>5</sup> млн.АҚШ долларига тенг. Юқоридаги кўрсаткичлар абсолют катталиклар ҳисобланиб, ташқи иқтисодий алоқаларнинг реал миқдорини кўрсатади. Лекин бу кўрсаткич муайян камчиликларга эга, яъни у ташқи иқтисодий алоқалар кўрсаткичларини давр ёки ҳудудлар бўйича қандай тезликда ёки интенсивликда ривожланаётганини кўрсата олмайди. Шу сабабдан иккинчи тур кўрсаткичлар, яъни нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Нисбий кўрсаткичлар ташқи иқтисодий алоқаларнинг йиллар ёки ҳудудлар бўйича қандай ўзгаришини кўрсатади ва иккита мутлак миқдорни бири-бирига бўлиш орқали топилади. Нисбий миқдорларнинг камчилиги шундаки, улар фақат муайян ҳудуд ёки даврда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш даражасини кўрсатади, лекин бутун мамлакат миқёсида умумлаштириб кўрсата олмайди. Масалан, мамлакатнинг умумий экспорти маълум бўлган ҳолда 14 та иқтисодий ҳудуднинг ҳар бирига ўртача қанчадан экспорт тўғри келишини нисбий миқдорлар ёрдамида аниқлаб бўлмайди. Бундай ҳолда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўртача кўрсаткичларидан фойдаланилади. Масалан, 2011 йилда Ўзбекистонда ҳар бир ҳудудга экспортўртача  $\frac{15027,2}{14} = 1073,4$  млн. АҚШ долларидан тўғри келган.

Юқоридаги учта кўрсаткичнинг ҳар бири мавжуд рақамларни қўшиш ёки айириш, бўлиш ёки ўртачасини топиш орқали аниқланади. Ушбу кўрсаткичлар ташқи иқтисодий алоқалар омиллари таъсирида унинг ўзгариш даражаларини ифодалай олмайди. Бундай ҳолда таҳлил қилишнинг индекс методларидан фойдаланилади. Ҳар қандай иқтисодий жараёнга бир вақтнинг ўзида бир неча омилларнинг таъсир кўрсатишини ҳисобга олсак, бу метод ташқи иқтисодий алоқалар натижаларини янада тўлароқ ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини беради.

Қайд этилган тўрт турдаги кўрсаткичларни умумлаштириб, ташқи

---

<sup>5</sup>2011 йил январь-декабрь ойларидаги Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси ҳисоботи.-Т.: 2012 йил.4-5 бетлар.

иқтисодий алоқаларни статистик таҳлил қилишнинг қуйидаги кўрсаткичлар тизимини келтириш мумкин. Улар халқаро методологияда ташқи иқтисодий алоқаларни статистик ўрганишда фойдаланилади ва мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти натижаларини тўла ваишончли баҳолашга ёрдам беради.

Бу кўрсаткичлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) ташқи савдо айланмаси;
- 2) экспорт ва импортнинг мутлақ ҳажми;
- 3) ташқи савдо сальдоси;
- 4) экспортнинг ташқи савдо айланмасидаги улуши;
- 5) импортнинг ташқи савдо айланмасидаги улуши;
- 6) экспорт ва импорт қиймат индекслари;
- 7) экспорт ва импорт физик ҳажм индекси;
- 8) экспорт ва импортнинг нарх индекслари;
- 9) экспорт ва импортнинг диверсификация индекси;
- 10) экспорт ва импорт интенсивлиги;
- 11) ташқи савдоданисбий устунлик индекси;
- 12) экспорт ва импортга ихтисослашув индекси;
- 13) Херфиндал — Хиршман индекси.

Энди уларнинг ҳар бирига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

1. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари унинг ташқи дунё билан амалга оширган барча савдо фаолияти натижаларини ақс эттиради. Унинг асосий кўрсаткичи ташқи савдо айланмаси бўлиб, мутлақ кўрсаткич ҳисобланади, у экспорт ва импорт кўрсаткичларининг йиғиндисига тенг, яъни:

$FT = X + M$ <sup>6</sup>, бу ерда FT-ташқи савдо айланмаси, X-экспорт ҳажми, M-импорт ҳажми.

2. Экспорт (X) –мамлакатнинг ташқи дунёгасотган барча товар ва хизматларининг пулдаги ифодасидир. Импорт (M)-эса ташқи дунёдан сотиб

---

<sup>6</sup>Ayubjonov A.H. Tashqi iqtisodiy faoliyat statistikasi: O'quv qo'llanma – T.: TDIU, 2007. 85-90 betlar.

олинган барча товар ва хизматларнинг пул кўринишидаги ифодасидир.

3. Ташқи савдо сальдоси –мамлакат экспорти ва импорти орасидаги фарқ бўлиб, у мамлакат ташқи савдо балансининг ижобий ёки салбий эканлигини кўрсатади. Ташқи савдо сальдоси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:  $FTS = X - M$ <sup>7</sup>,  $FTS > 0$  бўлиши мамлакат учун ижобий ҳолат деб,  $FTS < 0$  эса аксинча деб ҳисобланади.

4. Мамлакат экспорти ва импортнинг ташқи савдо айланмасидаги улуши– экспорт (импорт)нинг ташқи савдо айланмаси миқдорига нисбатидир. Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{экспорт}} = \frac{X}{FT} \cdot 100\% \text{ ва } K_{\text{импорт}} = \frac{M}{FT} \cdot 100\% \text{ }^8.$$

5. Экспорт (импорт)нинг қиймат индекси– мамлакат экспорти ҳар икки омил, яъни нарх ва миқдорнинг ўзгариши натижасида жорий йилда олдинги йилга нисбатан қанчага ўзгарганини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич қуйидагича

ҳисобланади:  $I_{pq} = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_0}$ <sup>9</sup>, бу ерда,  $I_{pq}$ -экспорт (импорт)қиймат индекси,  $p_1$ ,

$q_1$  ва  $p_0$ ,  $q_0$  эса мос равишда жорий ва ўтган йилдаги экспорт (импорт) маҳсулотлари миқдори ва нархини ифодалайди. Экспорт ёки импортнинг экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг физик ҳажми ўзгариши ҳисобига қандай ўзгарганлигини экспорт (импорт)нинг физик ҳажм индекси

ёрдамида аниқлаш мумкин. У қуйидагига тенг бўлади:  $I_q = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0}$ <sup>10</sup>, бу

формула маҳсулот физик ҳажмининг ўзгариши ҳисобига экспорт миқдори қандай ўзгаришини кўрсатади. Экспорт миқдорига нарх омилининг таъсирини экспорт нархлари индекси ифодалайди ва у қуйидагига

тенг:  $I_p = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_1}$ <sup>11</sup>. Экспорт (импорт)нинг миқдор, ҳажм ва нарх индекслари

<sup>7</sup> Ayubjonov A.H. Tashqi iqtisodiy faoliyat statistikasi: O'quv qo'llanma – T.: TDIU, 2007.85-90 betlar.

<sup>8</sup> Ўша манба.

<sup>9</sup> Soatov N.M., Tillaxo'jayeva G.N. Statistika: O'quv qo'llanma – T.: TDIU, 2006.281-295 betlar.

<sup>10</sup> Ўша манба.

<sup>11</sup> Soatov N.M., Tillaxo'jayeva G.N. Statistika: O'quv qo'llanma – T.: TDIU, 2006.281-295 betlar.

орасида боғлиқлик мавжуд бўлиб у қуйидагича ифодаланади:  $I_{pq} = I_p \cdot I_q$ <sup>12</sup>.

5. Экспорт ва импорт интенсивлиги индекси (Т) – бу икки мамлакат ўртасидаги савдо фаолияти натижаларининг кутилганидан қанчага ортиқ ёки камлигини уларнинг жаҳон савдосидаги улушига қараб баҳолаш имконини беради. Бу кўрсаткич мамлакат экспортининг давлатлар бўйича тақсимланиш даражасини ифодалаб, мамлакатнинг ташқи савдода қайси мамлакатга кўпроқ боғлиқлигини кўрсатади. Уни ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлар иштирок этади:

-  $x_{ij}$  -  $i$  мамлакат томонидан  $j$  мамлакатга амалга оширилган жами экспорт ҳажми;

-  $x_{wj}$  -  $j$  мамлакатнинг жами экспорт ҳажми;

-  $X_{it}$  -  $i$  мамлакатнинг жами экспорти;

-  $X_{wt}$  - дунё экспорт ҳажми.

Бу индекс формула кўринишида қуйидагича ёзилади:

$T_{ij} = \frac{x_{ij}}{X_{it}} : \frac{x_{wj}}{X_{wt}}$ <sup>13</sup>, бу формуланинг иқтисодий мазмуни шундан

иборат, яъни  $\frac{x_{ij}}{X_{it}}$  (1) нисбат  $j$  мамлакатга амалга оширилган экспортнинг

$i$  мамлакатнинг жами экспортидаги улушини,  $\frac{x_{wj}}{X_{wt}}$  (2) нисбат эса  $j$

мамлакатнинг бутун дунё экспортидаги улушини кўрсатади. (1) ва (2)нинг

нисбати эса  $i$  мамлакат экспортининг  $j$  мамлакат экспортидаги улушини

ифодалайди. Бу кўрсаткични фоизларда ҳисоблаш анча қулай. У ҳолда  $X_{ij}$  ва

$X_{wt}$  қиймати 100 га тенг бўлиб, юқоридаги формула қуйидаги оддий

кўринишга эга бўлади:  $T_{ij} = x_{ij} : x_{wj}$ . Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса,

$i$  мамлакатнинг  $j$  мамлакатга боғлиқлиги шунчалик юқори бўлади. Масалан,

Ўзбекистоннинг Россия давлатига ташқи савдо бўйича интенсивлигини

ҳисоблаймиз. Ўзбекистоннинг жами экспорт ҳажми 2011 йилда 15,027 млрд

<sup>12</sup>Ўша манба.

<sup>13</sup>[www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org) сайтидан олинди.

АҚШ доллари<sup>14</sup>, Ўзбекистоннинг Россия Федерациясига экспорти ҳажми 4,405 млрд АҚШ доллари, яъни жами экспортнинг 29%ини ташкил қилган. 2011 йилда дунё жами экспорти 17980<sup>15</sup> млрд АҚШ доллари ва Россиянинг жами экспорти эса 516<sup>16</sup> млрд АҚШ долларини, яъни дунё экспортининг 2,9%ини ташкил қилганлигини ҳисобга олсак, у ҳолда Ўзбекистон экспортининг интенсивлиги қуйидагига тенг бўлади:  $T_{ij} = 29:2,9 = 10$ . Шунга ўхшаб бошқа мамлакатлар бўйича ҳам Ўзбекистоннинг экспорт интенсивлиги ҳисобланиб, улар ичидан энг катта қийматга эга бўлган кўрсаткич танлаб олинади. Ўзбекистон учун Россия кўрсаткичи энг юқори ва демак, Ўзбекистон экспортининг асосий қисми Россия Федерациясига мос келади.

6. Ташқи савдода нисбий устунлиқиндекси (Revealed Comparative Advantage). Ушбу индекс мамлакатнинг муайян товарлар ва хизматлар экспорти бўйича нисбий устунликка эга ёки эга эмаслигини кўрсатади.

$$RCA = \frac{x_{ij}}{X_{it}} : \frac{x_{wj}}{X_{wt}} \text{ }^{17}, \text{ буерда:}$$

$x_{ij}$ -  $i$  мамлакатда  $j$  товар ёки хизмат экспортимикдори;

$x_{wj}$ -  $j$  товарнинг бутун дунёдаги экспорт ҳажми;

$X_{it}$ -  $i$  мамлакатнинг жами экспорти;

$X_{wt}$ - дунё экспорт ҳажми.

Ушбу индекснинг назарий асоси бўлиб, классик иқтисодчилар А.Смит ва Д.Рикардоларнинг назариялари хизмат қилади. Агар бу индекс қиймати бирдан кичик бўлса, у ҳолда бу мамлакат ушбу товар экспортини бўйича нисбий устунликка эга эмас, аксинча бўлса, мамлакат нисбий устунликка эга бўлади. Нисбий устунлик индексининг аҳамиятли томони шундаки, ушбу индекс натижаларига қараб мамлакат қайси товарларни экспорт қилиши ва

<sup>14</sup> [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org) сайтидан олинди.

<sup>15</sup> UN International Trade Statistics Yearbook маълумотларидан фойдаланилди. 2011 йил. 1-18 бетлар.

<sup>16</sup> Ўша манба.

<sup>17</sup> [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org) маълумотларидан фойдаланилди.

кайси товарларни импорт қилиши лозимлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Агар муайян товар ёки хизмат бўйича мамлакатнинг нисбий устунлик индекси 1 дан кичик бўлса, у ҳолда ушбу мамлакат учун ушбу товарларни импорт қилиши самарали ҳисобланади. Агар 1 дан катта бўлса, мамлакат ушбу товарларни экспорт қилишдан ютади. Энди Ўзбекистон Республикасининг пахта толаси экспорти бўйича нисбий устунлигини ҳисоблаймиз. Масалан, 2010 йилда Ўзбекистоннинг пахта экспорти  $13023.4 \times 19.5\% = 2539,6^{18}$  млн. АҚШ долларини, яъни жами экспортнинг 19,5%ини ташкил қилган. Жаҳон пахта экспорти эса  $17025,8^{19}$  млн. АҚШ доллари ва дунё экспортининг 0,1 %ини ташкил қилади. У ҳолда нисбий устунлик индекси,  $19,5:0,1=195$  га тенг бўлади, яъни Ўзбекистон пахта толасини экспорт қилиш бўйича нисбий устунликка эга. Бу ҳақиқатга яқин, чунки Ўзбекистон пахта экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Унинг бутун дунё пахта экспортидаги улуши 9,7%ни ташкил қилади. Биринчи ва иккинчи ўринларни Америка Қўшма Штатлари (35,2 %) ва Ҳиндистон (18%) эгаллайди.

7. Экспортга ихтисослашув индекси (Export Specialization Index). Буиндекснинг қисқисодиёмаъносишунданиборат, яъни ушбу товарнинг 1 бирлик импортига мазкур товарнинг қанча экспортимоскелади.

Ушбу индекснинг формула бўйича ҳисобланади:

$$ES = \frac{x_{ij}}{X_{it}} : \frac{m_{ij}}{M_{it}}^{20},$$

бу ерда  $m_{ij}$ -i мамлакатда j товарнинг импорти

ҳажми,  $M_{it}$ -мамлакатнинг жами импорти ҳажми. Агар ушбу индекснинг мати 1 дан катта бўлса,

мамлакат ушбу товар бўйича экспортга ихтисослашган деб ҳисобланади, агар 1 дан кичик бўлса, импортга ихтисослашган деб қаралади. Масалан, 2012 йилда озиқ-овқат маҳсулотларининг Ўзбекистон экспортидаги улуши 8,5%, импортдаги улуши эса 14%ни ташкил қилган. У ҳолда экспортга

<sup>18</sup>Бу ва бундан кейинги маълумотлар UN trade statistics Yearbook ҳисоботидан олинди. 2011 йил. 1-5 бетлар.

<sup>19</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

<sup>20</sup>[www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org) маълумотларидан фойдаланилди.

ихтисослашув индекси  $ES=0,085:0,14=0,61<1$ . Демак, Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича экспортга эмас, балки импортга ихтисослашган.

8.Экспорт диверсификация (Export Diversification Index). Экспорт диверсификация индексини ҳисоблаш ҳалигача кўплаб ривожланаётган мамлакат учун катта аҳамият касб этади. Чунки бу каби мамлакатларнинг асосий қисми тор спектрдаги товар ва хизматларни экспорт қилиш орқали даромад олмақдалар. Бу товарлар нархининг нобарқарорлиги ушбу мамлакатларда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ушбу мамлакатларда экспортни диверсификациялаш орқали барқарор ривожланишни таъминлаш мумкин. Ушбу жараёни баҳолашда “Экспорт диверсификация индекси (DX)” дан фойдаланилади. Уқуйидагича

ҳисобланади:  $DX_j = \frac{\sum |h_{ij} - h_i|}{2}$ <sup>21</sup>, бу ерда:  $h_{ij}$ - итовар экспортининг  $j$  мамлакат

жами экспортидаги улуши;  $h_i$ - итовар экспортининг будун дунё экспортидаги улуши. Ушбу кўрсаткич қанча катта бўлса, мамлакатда экспорт диверсификацияси шунча юқори бўлади. Агариндекс битта товар ёки хизмат тури учун ҳисобланса, табиийки, унинг қиймати кичик бўлади. Чунки мамлакат фақат бир турдаги товар ёки хизмат экспорти билан шуғулланса, унинг экспортида диверсификация мавжуд бўлмайди. Товар ва хизматлар тури ортиб борган сари индекснинг қиймати ҳам катталашиб боради. Бу эса мамлакат ташқи савдосининг диверсификациялашув даражаси юқори эканлигидан далолат беради.

9. Херфиндал — Хиршман индекси (НИ)<sup>22</sup>. Ушбу индекс мамлакатларнинг ташқи савдодаги монополлашув даражасига баҳо бериш учун ишлатилади. Агар дунё ташқи савдосида ҳар бир мамлакат улушини (% да)  $S_1, S_2, S_3, \dots, S_n$  деб белгиласак, Херфиндал — Хиршман индекси қуйидагига тенг бўлади:  $HNI = S_1^2 + S_2^2 + \dots + S_n^2$ <sup>23</sup>. Херфиндал — Хиршман индексининг энг катта қиймати 10 000 тенг, чунки агар дунёнинг

<sup>21</sup> [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org) маълумотларидан фойдаланилди.

<sup>22</sup> [www.wikipedia.org/herfindal-hirshman](http://www.wikipedia.org/herfindal-hirshman) index маълумотларидан фойдаланилди.

<sup>23</sup> Ўша манба.

барча экспорти битта мамлакат томонидан амалга оширилса  $HHI=100^2=10000$  га тенг бўлади ва ушбу ҳолат экспортдаги якка ҳокимлик деб аталади. Лекин бу реал ҳаётда учрамайдиган ҳолат ҳисобланади. Экспорти дунё экспортининг 1 %ини ташкил қилувчи 100 та мамлакат учун ушбу индекс  $HHI=100$  бўлади, чунки  $HHI=1_1^2 + 1_2^2 + \dots + 1_{100}^2 = 100$ .

Херфиндал — Хиршман индексининг қийматига кўра жаҳон бозоридаги монополиялашувни 3 турга ажратиш мумкин:

1. Юқори монополлашган бозор, агар  $1800 < HHI < 10000$  бўлса;
2. Ўртача монополлашган бозор, агар  $1000 < HHI < 1800$  бўлса;
3. Паст даражада монополлашган бозор, агар  $HHI < 1000$  бўлса.

Херфиндал — Хиршман индексининг муҳим томони шундаки, ундан халқ хўжалигининг исталган тармоғидаги монополлашув даражасини баҳолашда фойдаланиш мумкин. Агар ушбу кўрсаткичдан миллий даражада фойдаланилса, у ҳолда Сцифатида ушбу тармоқда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг улуши олинади. Масалан саноат тармоғи учун Херфиндал — Хиршман индексини ҳисоблашда ушбу соҳада ишлаётган ҳамма корхоналарнинг улуши ва уларнинг квадратлари йиғиндиси олинади. Ушбу индекснинг иқтисодий мазмуни мукаммал рақобатли бозор қонунлари билан мос келади. Маълумки, мукаммал рақобатли бозорда, ишлаб чиқарувчилар жуда кўп бўлиб, алоҳида ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори умумий нарх даражасига унчалик катта таъсир ўтказмайди. Херфиндал — Хиршман индексидо ҳам худди шундай. Агар муайян турдаги маҳсулот тури кўпчилик мамлакатлар томонидан экспорт қилинса, уларнинг умумий экспортдаги улушларининг қиймати паст бўлиб, бунинг натижасида улушлар квадратларининг йиғиндиси кичраиб боради. Бу эса монополлашув даражасининг пастлигидан далолат беради. Энди бутун дунё ташқи савдосидаги ҳолатни Херфиндал — Хиршман индекси орқали баҳолаймиз.

Дунё экспортининг мамлакатлар бўйича тақсимланиши<sup>24</sup>  
(2011 йил), млн АҚШ доллари

№	Мамлакатлар номи	Экспорт хажми, млн.АҚШ доллар	Жахон экспортидаги улуши (S), %	S <sup>2</sup>
1	Дунё бўйича жами	17979656	100	10000
2	Хитой	1899180	10,56	111,58
3	АҚШ	1480410	8,23	67,80
4	Германия	1475491	8,21	67,35
5	Япония	822674	4,58	20,94
6	Франция	582074	3,24	10,48
7	Нидерландия	563129	3,13	9,81
8	КХР	556602	3,10	9,58
9	Италия	523191	2,91	8,47
10	Россия	516481	2,87	8,25
11	Буюк Британия	479389	2,67	7,11
12	Белгия	476346	2,65	7,02
13	Канада	451735	2,51	6,31
14	Сингапур	409503	2,28	5,19
15	Саудия Арабистони	364446	2,03	4,11
16	Хиндистон	302588	1,68	2,83
17	Испания	298458	1,66	2,76
18	Австралия	271717	1,51	2,28
19	Бразилия	256040	1,42	2,03
20	Малайзия	228262	1,27	1,61
21	Тайланд	226412	1,26	1,59
22	Швецария	223288	1,24	1,54
23	Индонезия	201472	1,12	1,26
24	Швеция	187266	1,04	1,08
25	Польша	187151	1,04	1,08
26	Австрия	169676	0,94	0,89
27	Чехия	162171	0,90	0,81
28	Норвегия	159253	0,89	0,78
29	Туркия	134907	0,75	0,56
30	Ирландия	128896	0,72	0,51
31	Дания	112740	0,63	0,39
32	Венгрия	110897	0,62	0,38
33	Ветнам	94518	0,53	0,28
34	Қозоғистон	88118	0,49	0,24
35	Аргентина	84269	0,47	0,22
36	Чили	80027	0,45	0,20
37	Нигерия	79000	0,44	0,19
38	Финландия	78866	0,44	0,19
39	Словакия	78496	0,44	0,19
40	Украина	68394	0,38	0,14
41	Руминия	62659	0,35	0,12
42	Португалия	58727	0,33	0,11
43	Янги Зеландия	37484	0,21	0,04
<b>44</b>	<b>Ўзбекистон</b>	<b>13254</b>	<b>0,07</b>	<b>0,01</b>
45	Бошқалар	3193999	17,76	315,58

<sup>24</sup>UN International Trade Statistics Yearbook маълумотларидан фойдаланилди. 2011 йил. 1-18 бетлар.

жами		100	683,8959141
------	--	-----	-------------

Дунё экспортининг мамлакатлар бўйича тақсимланиши 1.2.1-жадвалда берилган бўлиб, унда экспорти 32 млрд АҚШ долларидан юқори бўлган ва жаҳон экспортининг 80%идан ортиғини берувчи 44 та (уларнинг хиссасига жаҳон экспортининг 82 %и тўғри келади) мамлакатлар олинди. Экспорти ушбу миқдордан кам бўлган мамлакатлар жадвалнинг «бошқалар» деб номланган бўлимига киритилди.

Демак, Херфиндал — Хиршман индекси  $H=683.89$  га тенг. Бундан келиб чиқадики, ҳозирда жаҳон бозори паст даражада монополлашган бозор ( $H < 1000$ ) ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, бир турдаги ёки ўхшаш товар ва хизматларнинг бир пайтнинг ўзида бир неча мамлакатлар томонидан экспорт қилинишидир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ташқи иқтисодий алоқалар мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Уни ривожлантириш ва реал шароитдан келиб чиққан ҳолда истиқболларини белгилаш ташқи иқтисодий алоқалар статистикасининг асосий вазифаси ҳисобланади. Биринчидан, ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларнинг миқдорий томонлари билан унинг сифат жиҳатларини узвий боғлиқликда ўрганиб, унинг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқади. Иккинчидан, ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси математик моделлаштириш орқали ташқи иқтисодий алоқаларнинг келажакдаги ҳолатини прогнозлашни амалга оширади. Бу ўринда асосий метод сифатида корреляцион-регрессион усул қўлланилади. Бу усул ёрдамида ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий кўрсаткичлари бўлмиш ташқи савдо ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик ўрганилиб, регрессия тенгламалари тузилади ва ташқи савдонинг келгусидаги ҳолати прогноз қилинади.

### **1.3. Ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси ва маълумотлар манбаи**

Ҳар қандай давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти жаҳон ҳўжалигининг фаолият кўрсатиши билан боғланган ва муқаррар равишда миллий ҳуқуқий меъёрлар, балки халқаро ҳуқуқ стандартлари билан ҳам тартибга солинади. Табиийки, миллий регламентациялари билан халқаро иқтисодий ҳуқуқ ўртасида муайян зиддиятлар мавжуд.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёни ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий бошқариш стратегиясининг ўзига хосликларини минтақавий миқёсда, шунингдек алоҳида мамлакатлар даражасида савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг тегишли устуворликларини белгилаб берди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган одилона сиёсат натижасида ташқи иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг мустақил равишда ривожланишини таъминлаш мақсадида, республика ҳукумати томонидан замонавий босқичда бир вақтнинг ўзида давлат назорати тизимини тартибга солиш билан бирга, ташқи иқтисодий фаолиятни мунтазам равишда эркинлаштириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги шароитда ташқи иқтисодий фаолият бошқа ҳар қандай иқтисодий фаолият каби маълум тартибланишга муҳтождир. Турли мамлакатлар ўртасида ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг кучайиши ва дунё бозорида рақобатнинг кескинлашуви, жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорациялар ролининг ошиши, валюта курсларининг барқарор эмаслиги, тўлов балансларининг тақчиллиги, ривожланаётган мамлакатлар қарзларининг янада ўсиши ва ҳозирги замон иқтисодий муносабатлари ривожланишининг бошқа хусусиятлари уларни нафақат алоҳида давлатлар даражасида, балки иқтисодий ташкилотлар даражасида ҳам тартибга солиш зарурлигини белгилади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солиш – бозор муносабатлари шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида илғор силжишларни рағбатлантириш, хорижий капитал оқимини кучайтиришга йўналтирилган ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижроия назорат қилиш тўғрисидаги чоратadbирлар тизимидир. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонунининг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш;

- валюта билан тартибга солиш;

- солиқ билан тартибга солиш;

- тариф ва нотариф билан тартибга солиш;

- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига ҳимоя этилиши учун махсус, компенсация ва демпинга қарши чораларни қўллаш;

- ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан миқдорий чеклов ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш;

- қурол-яроғлар харбий техника, икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларга нисбатан экспорт назоратини ўрнатиш;

- олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш;

- техникавий, фармокологик, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш;

- ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун имтиёзлар бериш.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 4-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг тенглиги;
- савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда камситишларга йўл қўйилмаслиги;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан ўзаро манфаатдорлик;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш давлат ташкилотлари томонидан чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва уни бажарилишини таъминлаш жараёнини ўзида акс эттиради. Бу чора-тадбирлар мамлакатнинг халқаро ихтисослашувдаги иштирокидан келадиган фойдани олиш, жаҳон хўжалигидаги даврий пасайишларнинг таъсирини йўқотиш ёки камайтириш, шунингдек, валюта курсларининг тебраниши ва жаҳон иқтисодиётидаги бошқа салбий ҳодисаларнинг ички иқтисодиётга таъсирини пасайтиришга ёки йўқотишга, дунё бозорида миллий ишлаб чиқариш мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Бошқача айтганда, давлат томонидан тартиблаш ҳар бир мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатининг асосий вазифасини, яъни миллий иқтисодиётни самарали ривожланиши учун қулай ташқи шароит яратиш кўзда тутувчи чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Ташқи қитисодий фаолиятни давлат томонидан тартиблашга туб иқтисодий ислохотлар амалга ошираётган мамлакатларда катта аҳамият берилади. Айниқса, Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарорлаштириш ва

хўжалик юретишнинг янги моделини шакллантиришда бош ислохотчи сифатида давлатга муҳим рол ажратилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги” 2000 йил 25 май Қонунига асосан тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида қўшимча равишда рўйхатдан ўтказишсиз ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сонли қарорини бажарган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган экспорт-импорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” ишлаб чиқилган ва 02.12.2000 да Адлия вазирлигида 988-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 февралдаги “Импорт операцияларини тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ фақат ўз валюта маблағлари билан таъминланмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг импорт контрактлари ТИАИСВда рўйхатдан ўтказилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, импорт операцияларини тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 29 майдаги ПФ-3078 сонли Фармонини бажарган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 189-сонли Қарорига мувофиқ, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб импорт тўловларининг янги ставкалари жорий қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги “Ўзбекистонда ташқи иқтисодий савдони эркинлаштириш юзасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 137-сонли қарорига мувофиқ, юқорида қайд этилган ставкалар энг қулай режим ставкалари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларига мувофиқ жаҳоннинг 42 мамлакатига энг қулай режим ўрнатган. Энг қулайрежим

татбиқ этилмайдиган мамлакатларга нисбатан тариф ставкалари энг қулай ставкалари икки марта кўпроқдир.

Маълумки, ҳар қандай статистик тадқиқотнинг самарадорлиги ва ишончилиги ундаги кўрсаткичларнинг қандай маълумотлар базасидан олинганига боғлиқ бўлади. Шундай экан, бошқа соҳалар каби ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам статистик таҳлил қилишда маълумотлар базаси муҳим роль ўйнайди. Ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотларнинг холис ва ишончли бўлиши биринчидан, статистик таҳлил натижаларининг аниқлигини таъминласа, иккинчидан ушбу иқтисодий жараённинг келажакдаги ҳолатини прогнозлашда катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш кўрсаткичларинистатистик таҳлил қилиш имконини берадиган кўплаб статистик тўпламлар нашр қилинмоқда. Бундан ташқари кўплаб халқаро ташкилотлар дунёнинг барча мамлакатлари бўйича статистик тўпламларни нашр қилмоқдаларки, улар барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини, шу жумладан, ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

Шундан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотлар базасининг манбаларини миллий иқтисодиёт ва халқаро даражадаги манбаларга бўлиш мумкин. Мамлакатнинг ташқи савдоси (экспорт, импорт ва бошқа операциялар) тўғрисидаги маълумотлар Давлат божхона қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси томонидан берилади.

Халқаро даражада мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари тўғрисидаги манбалар турли халқаро ташкилотларнинг статистик тўпламларида ўз аксини топади. Бундай ташкилотлар гуруҳига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Жаҳон Банки (ЖБ), Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Жаҳон Савдо Ташкилотини киритиш мумкин. Бу ташкилотлартомонидан берилган статистик маълумотлар расмий халқаро ахборот статусига эга бўлиб, улардан статистик таҳлилларда бемалол фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотлар базаси тўғрисида гапиришдан олдин баъзи ривожланган мамлакатлар тажрибасини кўриб чиқамиз. Масалан, Германия Федератив Республикасида ташқи иқтисодий алоқалар тенденциялари ва динамикаси тўғрисидаги маълумотлар базасини Федерал Статистика бошқармаси (ФСБ)нинг маълумотлари ташкил этади. Ушбу нашрнинг умумий номи “Ташқи савдо”<sup>25</sup> деб номланади. Германияда статистик ахборотлар истеъмолчилари ушбу маълумотларни ахборот олишнинг анъанавий усуллари билан бир қаторда, ФСБнинг ахборот линияларига уланиб, буюртмалар бериш орқали ҳам олишлари мумкин. Ташқи савдо бўйича статистик маълумотларда экспорт FOB (free on board) баҳоларида, импорт эса CIF(cost, insurance and freight) баҳоларида кўрсатилади.

Буюк Британияда ташқи иқтисодий алоқалар бўйича маълумотлар Қироллик Статистика Бошқармаси томонидан берилади. Ушбу мамлакатда статистик маълумотлар умумий ва махсус тарзда чоп қилинади. Умумий статистик нашрлар йиллик ва ойлик характерга эга. Уларнинг номлари эса “Йиллик статистик маълумотлар (Annual Abstract of Statistics)” ва “Ойлик статистик ҳисобот (Monthly Digest of Statistics)”<sup>26</sup> деб аталади.

Махсус ташқи иқтисодий алоқалар ҳисоботлари эса муайян соҳа ёки тармоқ бўйича ташқи савдо статистикасини ёритиб беради. Буларга “Annual Statement of the Overseas Trade of the United Kingdom” (“Қўшма Қиролликнинг денгиздаги савдосининг йиллик ҳисоботи”)ни мисол қилиш мумкин.

Америка Қўшма Штатларида ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотлар базасини Савдо Вазирлиги Статистика Бюросининг статистик тўпламлари ташкил қилади. Бу ташкилот барча ташқи иқтисодий фаолият бўйича статистик маълумотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш билан

---

<sup>25</sup> А. Ф. Мухин. “Источники статистической информации о внешней торговле зарубежных стран и международных организаций”. Учебное пособие.-М. 1993. 2-5 бетлар.

<sup>26</sup> Ўша манба. 7-8 бетлар.

шуғулланади. Унинг нашрларида товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти бўйича барча маълумотлар ўз аксини топади.

Қуйидаги манбалар Америка ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий маълумот манбалари ҳисобланади:

FT (Foreign Trade) 135<sup>27</sup>. “U. S. General Imports and Imports for Consumption Schedule Commodity by Country” –АҚШ импортнинг товар ва ҳудудий таркибини ифодаловчи статистик тўплам;

FT 410 - Америка экспорти ва реэкспорти таркибини акс эттирувчи маълумотлар тўплами.

FT 990<sup>28</sup>- АҚШ ташқи савдосининг асосий яқунлари ва аналитик кўрсаткичлари акс эттириладиган йиллик тўрламдир.

Дунё барча мамлакатларининг ташқи иқтисодий алоқалари тўғрисидаги маълумотлар Халқаро Валюта Жамғармаси (ХВЖ) томондан чоп этиладиган халқаро нашр -International Financial Statistics (Халқаро Молия Статистикаси) дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичларини ўзида акс эттиради. Унинг ташқи савдо бўлимида ҳар бир мамлакатнинг ташқи савдоси, яъни экспорт ва импорти ўзининг миллий валютасида кўрсатилади. Мамлакатлар ташқи савдоси таққосланаётганда эса алмашув курси орқали барча мамлакатларнинг ташқи савдо натижалари бир хил валютага(масалан АҚШ долларига) келтирилади.

БМТ қошидаги Статистика Комиссияси ва Статистика Бюроси ҳам мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотларнинг асосий базаси ҳисобланади. Ушбу ташкилот ЖСТ билан ҳамкорликда ташқи иқтисодий алоқаларни ҳисобга олиш методологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалалари билан шуғулланади. Унинг асосий нашри International Trade Statistics Yearbook<sup>29</sup> ҳисобланади.

---

<sup>27</sup>Ўша манба. 10-13 бетлар.

<sup>28</sup>А. Ф. Мухин. “Источники статистической информации о внешней торговле зарубежных стран и международных организаций”. Учебное пособие.-М. 1993. 10-13 бетлар.

<sup>29</sup> Ўша манба. 21-22 бетлар.

Бундан ташқари МДХ мамлакатларининг ташқи иқтисодий алоқалари натижалари унинг статистик йилномаларида берилади.

Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти (OECD) ташқи иқтисодий алоқалар натижалари бўйича йиллик ва ойлик ҳисоботлар чоп этади. Унинг ҳисоботлари қуйидаги уч серияда чиқарилади:

биринчи серия (А серия)-бу ойлик статистик нашр бўлиб, унда ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқаларининг кўп томонлама таҳлили амалга оширилади;

иккинчи серия (Б серия)да ташқи савдода иштирок этадиган барча товарлар ва алоҳида товар гуруҳлари савдосининг географик тақсимооти ва йўналишлари тўғрисида маълумотлар берилади;

Учинчи серия (С серия)- ҳар бир товар гуруҳи бўйича ҳар бир мамлакатнинг улуши тўғрисида маълумот берилади. Унда “товар-давлат” принциpidан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотларнинг асосий базаси Давлат Божхона Қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари маълумотлари асосида шаклланади. Ушбу ташкилотлар турли ҳисобот шакллари ва декларациялар орқали ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятида иштирок этувчи субъектлар ва уларнинг иқтисодий фаолияти натижалари тўғрисида маълумотларни тўплайди в таҳлил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси мамлакат чегараларини кесиб ўтувчи барча товар ва хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширади. Бу ҳисоб-китоблар божхона декларациялари асосида тўпланади ва статистика органларига жўнатилади. Статистика органлари эса уларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдоси бўйича умумий ҳулосалар беради ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараларини кесиб ўтувчи товар ва хизматлар бўйича барча маълумотлар “Божхона юк декларацияси”да (БЮД) ўз аксини топади. Бу декларация маълумотлари

ташқи иқтисодий алоқаларни статистик таҳлил қилишнинг асосий ахборот базаси ҳисобланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда реал сектордаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, замон талабларига мос келмайдиган ҳисобот шакллари қисқартириш орқали ишлаб чиқарувчиларга қулайлик яратиш ва мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш ҳамда ташқи савдо тўғрисидаги ахборот базасини такомиллаштириш мақсадида бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди. Шундан қонун ҳужжатларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>30</sup> ги фармони дир. Унга кўра иқтисодий субъектлар томонидан топшириладиган солиқ, статистик, молиявий ва бошқа ҳисоботларга ўзгартиришлар киритилиб, ҳисобот шакллари ва уларнинг йил давомидаги топширишлар сони қисқартирилди.

Ушбу фармон ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги ахборот базасини такомиллаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, ушбу фармон натижасида ташқи иқтисодий алоқалар бўйича топшириладиган қуйидаги ҳисобот шакллари қисқартирилди: 2-TS(чораклик) *“Хизматлар экспорти-импорти тўғрисида”* ҳисобот, 2-TS (ойлик) *“Хизматлар экспорти-импорти тўғрисида”* ҳисобот, 3-TS (ойлик) *“Товарлар экспорти-импорти тўғрисида”* ҳисобот ва 4-TB-V (ойлик) *“Экспорт-импорт муомалалари бўйича валюта маблағлари ҳаракати тўғрисида”* ҳисобот. Ундан ташқари 1-TS *“Хорижий сармоя иштирокидаги корхонанинг фаолияти тўғрисида”* ҳисоботни топшириш муддатлари 4 марта қисқартирилди, яъни олдин ҳар чоракда топширилган бўлса, эндиликда ҳар йилда бир марта топширилиши белгилаб қўйилди<sup>31</sup>.

---

<sup>30</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 29(529)-сон, 327-модда. 2012 йил

<sup>31</sup>Ўша манба.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси томонидан иқтисодий субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолияти натижалари тўғрисидаги маълумотлар 1-ТИФ ва 1-TS ҳисобот шакллариорқали қабул қилинади. Ушбу ҳисобот шакллари товар ва хизматлар экспорти ва импортини ўзида акс эттириб, олдинги ҳисобот шаклларининг барча элементларини ўз ичига олади.

Ҳар бир ҳисоботда унинг ким томонидан, қайси муддатда ва кимга топширилиши бўйича маълумотлар акс этган. Масалан, *1-TSshakli* “Хорижий сармоя иштирокидаги корхонанинг фаолияти тўғрисида” *ҳисобот* Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар– ўз жойидагистатистика бўлимига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2-санасидан кечиктирмай топширилиши шарт. Ушбу ҳисобот шакли олдин ҳар чоракда қабул қилинган бўлса, 2013 йилнинг 1-январидан бир йилда бир марта топширилади.

*1-TIF shakli* “Экспорт-импорт тўғрисида ” ҳисоботтовар ва хизматлар экспорти ва импорти билан шуғулланувчи корхоналар томонидан ўз жойидагистатистика бўлимига ҳар ойнинг 3-санасидан кечиктирмай топширилиши шарт.

Юқоридаги ҳисобот шаклларини тўлдириш натижасида ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисида статистик маълумотлар тўпланади.

### **1-боб бўйича хулоса**

1. Ҳар бир давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини таҳлил қилишда статистик усуллардан фойдаланилади. Статистик маълумотларни мамлакат миқёсида ҳисоб-китоб қилиб жадваллар ва графиклар кўринишида тақдим этади. Ушбу кўрсаткичлар мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг экспорт ва импортдаги салмоғини ифодалаб, турли мамлакатлар кўрсаткичлари билан таққослаш имконияти туғилади. Шундай экан ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти кўрсаткичларини статистик усуллар ёрдамида аниқлаб, статистик кўрсаткичларни келтириб чиқаради.

2. Ташқи иқтисодий алоқалар мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Уни ривожлантириш ва реал шароитдан келиб чиққан ҳолда истиқболларини белгилаш ташқи иқтисодий алоқалар статистикасининг асосий вазифаси ҳисобланади.

3.Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларнинг миқдорий томонлари билан унинг сифат жиҳатларини узвий боғлиқликда ўрганиб, унинг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқади.

4.Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси математик моделлаштириш орқали ташқи иқтисодий алоқаларнинг келажакдаги ҳолатини прогнозлашни амалга оширади. Бу ўринда асосий метод сифатида корреляцион-регрессион усул қўлланилади. Бу усул ёрдамида ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий кўрсаткичлари бўлмиш ташқи савдо ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик ўрганилиб, регрессия тенгламалари тузилади ва ташқи савдонинг келгусидаги ҳолати прогноз қилинади.

## **II боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Ташқи иқтисодий алоқаларни ўрганишда тўлов балансининг аҳамияти**

Тўлов баланси миллий ҳисобчиликнинг ажралмас қисми ҳисобланади. У мамлакат иқтисодиёти ҳолатини ифодаловчи муҳим маълумотларни беради. Тўлов баланси МХТни ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги муҳим маълумотлар билан тўлдиради. У мамлакат иқтисодиётини таҳлил ва прогноз қилишда асосий воситалардан бири ҳисобланади. Унинг ёрдамида иқтисодий натижалар қандай шарт-шароитда ва нималар эвазига эришилганлигини билиш мумкин. Тўлов баланси мамлакатда иқтисодий ўсиш(камайиш) қай тарзда бўлганлигини, яъни, ташқи дунёдан олинган қарз эвазига ёки мамлакат олтин ва валюта захираларининг камайиши ҳисобига ёки мамлакатнинг ташқи дунё олдида соф мажбуриятларини кўпайтирмай ўз имкониятлари ишга солган ҳолда эришилганлигини билиш мумкин. Тўлов баланси айни вақтда, мамлакатда иқтисодий ўсиш ёки камайиш қайси йўл билан эришилганлигини кўрсатиб беради. У туб маънода иқтисодий ўсиш ёки камайиш бўлганлигини билишга имкон беради.

Тўлов баланси мамлакат резидент бирликларининг норезидентлар билан бўлган иқтисодий муносабатлари натижаларининг маълум бир давр(ой, чорак, йил) давомидаги ўзгаришларини ифода этади.

Иқтисодий назарияда «тўлов баланси» атамаси илк бор XVIII – асрнинг охирларида ишлатилган. Дастлабки даврларда тўлов баланси деганда асосан ташқи савдо баланси салдоси назарда тутилган. Кейинги даврларда мамлакатлараро ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб бориши натижасида тўлов балансининг мазмуни кенгайиб борган. Биринчи марта тўлов баланси Америкада тузилди ва расмий равишда 1923 йилда чоп этилди. 1943 йилда америкалик иқтисодчи Лери Америка Қўшма Штатларининг 1919-1939 йилларга тўлов балансларини тузди. Албатта, бу баланслар тўлов баланси методологиясини ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Халқаро тўлов тизимининг ривожланиши ва кенгайиб бориши, халқаро молия-кредит ташкилотларининг юзага келиши тўлов балансини тузиш тартиби ва методологиясини маълум бир андозага келтиришни тақозо этди. Тўлов балансини тузиш тартиби илк бор халқаро андоза сифатида 1947 йилда Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан чоп этилган. Шундан кейин то ҳозирги давргача тўлов балансини тузиш тартиби ва қоидаларини такомиллаштириш вазифасини Халқаро валюта фонди амалга ошириб келяпти. Ўтган даврда тўлов балансини тузиш тартиби ҳаммаси бўлиб беш мартаба ўзгартирилган. Охириги тузиш тартиби 1993 йилда чоп этилган. Амалиётдаги тўлов баланси билан МҲТ асосий тушунчалари, уларда ишлатиладиган таснифлар, операцияларни ҳисобга олиш усуллари ва вақти МҲТ методологияси билан уйғунлаштириб қурилган.

Тўлов балансини тузишбухгалтерияҳисоботларида қўлланиладиган иккиёқлама ёзиш принципига асосланган. Ҳар бир операция тўлов балансида икки марта – кредитда (плюс ишора билан) ва дебетда (минус ишора билан) қайд этилади. Шу сабабли, тўлов балансининг кредит ва дебет кўрсаткичлари йиғиндиси нолга тенг (баланс) бўлади. Шунини айтиш жоизки, тўлов баланси операциялари бухгалтерия операциялари каби алоҳида-алоҳида қайд этилмайди. Операциялар гуруҳланган ҳолда ва соф ҳолдақайд этилади. Масалан, минглаб товарлар турли даврларда минглаб шартномалар асосида экспорт қилинади. Мас равишда уларнинг тўловлари ҳам турли даврларга тўғри келади. Бу операциялар тўлов балансида ҳар бир товар ва ҳар бир экспорт операцияси бўйича алоҳида-алоҳида қайд этилмайди. Тўлов балансида бу операциялар тузилаётган давр учун бир марта қайд этилади. Экспорт ва импорт операциялари экспорт ва импорт қилинган даврда жорий операциялар счётида ёзиб қўйилади(биринчи қайд этиш). Бу операциянинг ҳисоб-китоби натижалари молия счётида ёзиб(иккинчи қайд этиш) қўйилади. Экспорт операциялари кредитда, импорт эса дебетда ёзиб қўйилади. Экспорт операцияси биринчи қайд этишда жорий операциялар счётида ёзилади. Иккинчи қайд этишда, шу даврда экспорт эвазига қайтиб келмаган актив

миқдори(тўланмаган қисми) молия счётида ёзилади. Бу операция экспорт қилган томоннинг талаби ошганлигини ёки экспортни олган мамлакатнинг мажбурияти ошганлигини билдиради. Масалан, 2011 йили Ўзбекистон Америкага 800 млн. сўмлик пахта экспорт қилди. Шу йилнинг ўзида пахта учун 750 млн. сўм тўланди. Қолган 50 млн.сўм 2012 йилда тўланди. Ўзбекистоннинг тўлов балансида бу операция қуйидагича ёзилади:

### 2.1.1-жадвал

#### 2011 йил тўлов баланси, млн.сўм

	Кредит	Дебет	Салдо
Товарлар	800		800
Молия счёти			
Активлар			
-тижорат кредитлари;		50	-50
- нақд пул, депозитлар		750	-750
Баланс	800	800	0

### 2.1.2-жадвал

#### 2012 йил тўлов баланси, млн.сўм

	Кредит	Дебет	Салдо
Молия счёти			
Активлар			
- тижорат кредитлари;	50		50
- нақд пул, депозитлар		50	-50
Баланс	50	50	0

Иқтисодий назарияда трансфертлар бир томонлама операция ҳисобланади. Тўлов балансида бундай операциялар ўзига хос тартибда қайд этилади. Агарда, трансферт товар ёки хизмат кўринишида бўлса, у биринчи марта экспорт ёки импорт сифатида ва иккинчи марта трансфертлар қаторида қайд этилади. Трансферт молия (нақд пул, аксия, қимматли қоғоз, депозит) кўринишида бўлса, тўлов балансининг трансфертлар қаторида ва молия счётида активнинг турига қараб тегишли қаторда қайд этилади. Масалан, Ўзбекистонга Америкадан ҳаммаси бўлиб 500 бирлик инсонпарварлик ёрдами келди. Шу жумладан, мос равишда 360 ва 40 бирлик товар ва хизмат кўринишида, 30 бирлик нақд пул бирлик кўринишида келди. Бундан ташқари, Америка ўзига тегишли 70 бирлик акцияни болалар боғчасига совға

килди. Бу операцияларни Ўзбекистоннинг ва Американинг тўлов балансларида қайд этилиши қуйида келтирилган.

### 2.1.3-жадвал

#### Ўзбекистоннинг тўлов баланси

	Кредит	Дебет
<i>Импорт</i>		
-товарлар;		360
-хизматлар		40
Трансфертлар	500	
Молия счёти		
-нақд пуллар, депозитлар;		30
-портфел инвестициялар		70
Баланс	500	500

### 2.1.4-жадвал

#### Американинг тўлов баланси

	Кредит	Дебет
<i>Экспорт</i>		
-товарлар;	360	
-хизматлар	40	
Трансфертлар		500
Молия счёти		
-нақд пуллар, депозитлар;	30	
-портфел инвестициялар	70	
Баланс	500	500

Тўлов балансида норезидентлардан резидентларга келган даромадлар кредитда, норезидентларга тўлангани дебетда ёзилади. Трансфертларнинг келгани кредитда, кетгани дебетда ёзилади.

Номолиявий ишлаб чиқарилмаган активларни сотиш кредитда, сотиб олиш дебетда қайд этилади. Молиявий активлар ва мажбуриятлар билан бўладиган операциялар натижалари уларнинг натижасига қараб - норезидентларга нисбатан мажбуриятлар ошганда ёки талаб камайган ҳолларда кредитда ёзилади. Акс ҳолда, яъни норезидентларга талаб ошганда ёки мажбуриятлар камайганда дебетда қайд этилади.

Тўлов балансини тузиш тартибидан келиб чиққан ҳолда операцияларни уларнинг умумий белгиларига қараб гуруҳлаш мумкин. Бундай гуруҳлаш

уларнинг қайд этиш қоидаларини эслаб қолишни бирмунча енгиллаштиради.

Операцияларни гуруҳлари бўйича қайд этиш тартиби қуйидагича бўлади:

- товарлар ва хизматлар экспорти - кредитда (+);
- товарлар ва хизматлар импорти –дебетда(-);
- молия мажбуриятларининг кўпайиши– кредитда(+);
- молия активларининг кўпайиши – дебетда(-);
- мажбуриятларнинг камайиши – дебетда(-);
- активларнинг камайиши - кредитда (+).

Операциялар тўлов баланси тузилаётган давр учун жамланган ҳолда ёзилади. Бу тўлов балансини ихчам ва таҳлил учун қулай бўлишини таъминлайди. Операцияларни жамлашда экспорт ва импорт операциялари бўйича ўзаро ҳисоб–китобларнинг натижалари соф ҳолда қайд этилади. Яъни, экспорт ва импорт учун шу даврда мос равишда тўланмаган қисмигина қайд этилади.

Операцияларнинг қайд этиш йўллари 2.1.5-жадвалда берилган ахборотлардан фойдаланган ҳолда кўриб чиқамиз. Жадвалда экспорт миқдори ФОБ баҳоларида берилгани учун ҳеч қандай ўзгаришсиз тўлов балансида (2.1.6-жадвал) қайд этилади. Импорт СИФ баҳоларида берилгани учун ФОБ баҳосига ўтказамиз. Бунинг учун, импорт шартномалари таҳлил қилиниб, товар импортида транспорт ва суғурта харажатларининг улушини топамиз. Фараз қилайлик бу миқдор 8% бўлсин. Бундан фойдаланиб, товарлар импорти ФОБ баҳосига ўтказамиз. Товар импорти (ФОБ) =  $9500 \times (100 - 8) / 100 = 8740$ . Хизматлар импорти қайта таснифлаш эвазига  $9500 - 8740 = 760$ га кўпаяди. Товарлар ва хизматларни бундай аниқликда соф ҳолда қайд этишнинг аҳамияти жуда катта. Бунинг аҳамияти айниқса ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнлари таҳлил этишда ва башорат қилишда яққол сезилади. Товарбилан хизматнинг аралаш ҳолда ифодаланиши турли чалкашликларни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқарувчи бирликларга экспорт ва импорт товарлари ҳажми ва баҳолари ҳақида тўғри тасаввур бермайди.

**2011 йил Ўзбекистон ва Россиянинг ташқи иқтисодий алоқаларини  
характерловчи кўрсаткичлар**

Кўрсаткичлар	Миқдори, минг АҚШ доллари
1. Экспорт, ҳаммаси	10600
Товарлар экспорти (ФОВ)	9600
Хизматлар	1000
2. Импорт, ҳаммаси (СИФ)	10700
Товарлар импорти (СИФ)	9500
Хизматлар	1200
3. Даромадлар	
Россияга тўлангани	130
- фоиз тўловлари	100
- дивидендлар	10
- иш ҳақи	20
Россиядан олингани	115
- фоиз тўловлари	60
- дивидендлар	5
- иш ҳақи	50
4. Трансфертлар	
Россияга берилгани	3
- инсонпарварлик ёрдами	2
- техник ёрдам	1
Россиядан олингани	4
- инсонпарварлик ёрдами	3
- техник ёрдам	1
5. Капитал трансфертлар	
- Россияга берилгани	3
- Россиядан олингани	3
6. Тўғри инвестициялар	
- Россияга киритилгани	18
- Ўзбекистонга киритилгани	112
7. Портфел инвестициялар	
-Россияга сотилган аксиялар	5
-Россиядан олинган аксиялар	8
8. Ссуда ва қарзлар	
Россия резидентлари: - олгани	50
-асосий қарзнинг қайтарилиши	5
Ўзбекистон резидентлари: - олгани	55
-асосий қарзнинг қайтарилиши	10

Масалан, импорт қилинаётган товарнинг йўл харажатлари кўп бўлса, шу товарни жойида ишлаб чиқариш ёки йўл харажатларини камайтириш чоратадбирлари кўрилиши керак. Товар қийматида йўл харажатларининг бўлиши тармоқларнинг оралиқ истеъмолини бузиб кўрсатади. Масалан, иккимамлакатда бир хил технологияда пахтадан мато ишлаб чиқарилади. Пахта толасининг дунё бозоридаги нархи иккала мамлакат учун бир хил. Биринчи мамлакат ўз толасига эга, иккинчи мамлакат эса толани импорт қилади. Агар йўл харажатларини 10% деб олсак, иккинчи мамлакатда тола импортидан йўл харажатларини ажратмасак, бу мамлакатда ишлаб чиқарилаётган мато бирлигига пахта толаси кўп ишлатилаётгандай кўринади. Аслида эса бундай бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун, товарлар қийматини баҳолашда транспорт, суғурта ва ортиш тушириш харажатларини иложи бориचा аниқ ажратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўлов баланси мамлакат резидентларининг чет эл норезидентлари ўртасидаги бўлган операцияларнинг мажмуидан иборат. Шу сабабли, тўлов балансини тузишда турли хил ахборотлар керак бўлади. Тўлов баланси ахборот базасини ҳамма мамлакатлар учун ягона таркибга ва андозага келтириш амалий жиҳатдан мумкин эмас. Чунки, дунёда иқтисодиёти бир хил икки мамлакатни топиш мушқил иш. Бундан ташқари, ҳар бир олинган ахборот тўлов балансида қайд этишдан олдин моҳиятига қараб, тўлов баланси нуқтаи назаридан қараб чиқилиши керак. Масалан, божхона ва корхоналар статистикасида кўрсатилган экспорт ёки импорт тўғрисидаги ахборотларни тўғридан-тўғри тўлов балансида қайд этиб бўлмайди. Чунки, божхона статистикасида товарлар божхона чегарасидан ўтганда, корхона статистикасида эса корхонадан кетганда (ҳисобидан чиқарилганда) ҳисобга олинади. Бундан ташқари, товарни жўнатиш шартига кўра, шартнома қийматида товарлар билан хизматлар аралаш кўрсатилган бўлиши мумкин. Бу операциялар тўлов балансида даврий ва таркибий ўзгартиришлар киритилгандан кейинги баҳоларда қайд этилади.

Шу кунга қадар, тўлов баланси ахборот базасини бир тизимга солиш мақсадида, халқаро молия ташкилотлари, иқтисодчи олимлар томонидан бир қанча қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Ташқи савдо ва хизматлар, ташқи қарз, инвестициялар ва кредитлар, халқаро резервлар ва бошқа статистика тизимлари ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этиляпти.

Ўзбекистонда тўлов балансини тузишда қуйидаги ахборотлар ишлатилади:

- товарлар ва хизматлар экспорти ва импорти бўйича ташқи савдо статистикаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги (марказлашган экспорт) маълумотларидан ва бошқа қўшимча ахборотлардан фойдаланган ҳолда ҳисобланади;

- даромадлар бўйича ахборотлар (фоиз тўловлари, дивидендлар, иш ҳақи) Молия вазирлиги, Меҳнат ва социал таъминот вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги маълумотлари ва бошқа статистик маълумотлар ёрдамида ҳисобланади;

- трансфертлар бўйича ахборотлар божхона статистикаси, халқаро ташкилотлар ва бошқа маълумотлар ёрдамида ҳисобланади;

- инвестиция ва кредитлар тўғрисидаги ахборотлар статистика, тижорат банклари маълумотларидан ва бошқа ахборотлардан фойдаланиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилганлардан ташқари, тўлов балансини тузишда мамлакатнинг бошқа мамлакат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик натижаларини ифодаловчи ахборотлардан ҳам фойдаланилади. Доимий ҳисоботи ташкил қилинмаган ёки статистикада қайд этилмаган халқаро иқтисодий муносабатлар натижалари танлаб кузатиш ёки эксперт баҳолаш усуллари билан ҳисобланади ва тўлов балансида қайд этилади.

Тўлов балансининг ахборот базаси қанчалик даражада аниқ бўлса, жорий операциялар ва капитал харажатлар ва молия счёти кўрсаткичлари бир-бирига яқин ва тўлов балансининг хатолиги кам бўлади.

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тўлов баланси орқали амалга оширилади. Тўлов балансини тузишдан асосан икки мақсад кўзланади. Биринчидан, ҳар бир мамлакат мамлакатнинг ташқи дунё билан бўлган иқтисодий муносабатларини натижаларини билиши мумкин, иккинчидан, бошқа мамлакатлар тўлов балансидан фойдаланган ҳолда дунё миқёсида товарлар, хизматлар, инвестиция ва кредитлар бозорида бўлаётган жараёнларни билишга имкон бўлади. Шу сабабли, ҳамма мамлакатларда тўлов баланси ягона андоза асосида тузилади.

## **2.2. Ташқи иқтисодий алоқаларни статистик усуллар ёрдамида ўрганиш**

Ташқи иқтисодий алоқаларни статистик усуллар ёрдамида ўрганиш бирмунча мураккаб жараён ҳисобланади. Оммавий ҳодиса ва жараёнлар ҳар хил соҳаларда кузатилади ва турли тумандир, уларнинг кечиш шароитлари ҳам, тузилиши ҳам турличадир. Демак, ташқи иқтисодий алоқаларда бундай ҳодиса ва жараёнлар кўпдан кўп шаклларга ва турларга эга. Айниқса, ташқи иқтисодий алоқалар ўзининг мураккаблиги ва кўп ўзаро боғланишларга эгаллиги билан ажралиб туради. Шу сабабли статистик қонуниятлар ҳам уларда ҳар хил кўринишларда намоён бўлади ва турли жиҳатларини таърифлайди. Ўз-ўзидан маълумки, уларни қандайдир ягона бир усул ёрдамида ўрганиб бўлмайди. Бунинг учун бир неча усуллар ёрдамида ўрганиш зарур.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ўрганишда статистикада асосан қуйидаги усуллардан кенг фойдаланилади:

1. Статистик кузатиш.
2. Иқтисодий индекслар.
3. Корреляцион-регрессион таҳлил.
4. Динамика қаторлари таҳлили.

Статистик кузатиш – бу ўрганилаётган оммавий ходисалар ҳақида бошланғич маълумотларни тўплаш жараёнидир.

Ташкилий ва молиялаштириш жиҳатидан статистик кузатишларни тўртта турга бўлиш мумкин: 1) статистик ҳисобот; 2) махсус доимий текширишлар; 3) рўйхатлар; 4) бизнес текширишлар.

Воқеалар содир бўлишини қайд қилиш вақтига қараб статистик кузатиш уч турга ажралади: 1) узлуксиз (жорий) кузатиш; 2) фурсатли кузатиш; 3) бир йўла кузатиш.

Қисман кузатиш қуйидаги турларга бўлинади: 1) танлама кузатиш; 2) асосий массивни кузатиш; 3) анкета тарқатиш; 4) монографик тасвирлаш.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ўрганишда иқтисодий индекслардан фойдаланилади. Яъни ташқи савдо статистикасида индекслар товар айланиши динамикасини, экспорт ва импортнинг физик ҳажмини, баҳонинг ўзгаришини, ташқи савдо структурасини ва айрим олинган омилларнинг товар айланишига таъсирини ўрганиш учун фойдаланилади.

Бунда ҳам қуйидаги базисли ва занжирсимон индекслар қўлланилади: ўртача баҳо индекси, физик ҳажм индекси ва савдо шарти индекслари ва ҳ.к. Ҳар бир индекс ўзини ташкил этувчи элементларига эга: индекслаштрилаётган (солиштрилаётган) белги ва унинг вазни. Ташқи савдонинг физик ҳажми индексини ҳисоблаш учун товар ҳажми индекслаштрилаётган катталиқ, унинг вазни сифатида баҳоси хизмат қилади; баҳо индексини ҳисоблашда эса баҳо индекслаштрилаётган катталиқ, унинг вазни сифатида товарнинг ҳажми хизмат қилади.

Ўртача баҳо

Индекси  $J_p = \frac{\sum p_1 q_1}{\sum p_0 q_1}$   
(Пааше формуласи)

Физик ҳажм

Индекси  $J_q = \frac{\sum p_0 q_1}{\sum p_0 q_0}$   
(Ласнейрес формуласи)

бунда  $p_1$  ва  $p_0$  – жорий ва базис даврдаги баҳо даражаси

$q_1$  ва  $q_0$  – жорий ва базис даврда сотилган товарларнинг физик ҳажми

Ташқи иқтисодий алоқаларни ўрганиш ташқи савдонинг ўзгаришини таҳлил қилишда фойдаланиладиган яна бир кўрсаткич, бу «савдо шарти» индекси ҳисобланиб уни аниқлаш учун экспортнинг ўртача баҳоси индекси билан импортнинг ўртача баҳоси индекси солиштирилади.

$$J_{\text{сш}} = J_{\text{р_экс}} / J_{\text{р_имп}}$$

Агар бу кўрсаткич бирдан кичик бўлса, у ҳолда жорий даврда савдо қилиш учун шароит ёмонлашганлигини ифодалайди.

Умуман экспорт ва импортни статистик ўрганиш мақсадида ҳам ўзгармас, ҳам жорий баҳолар тизимидан фойдаланиш лозим. Булар ҳақидаги маълумотлар ҳар кварталда эълон қилинадиган «Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг божхона статистикаси» номли бюллетенида эълон қилинади.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий кўрсаткичларидан бири бу ташқи савдо ҳисобланади. Ташқи савдонинг ўзгаришига бир вақтнинг ўзида бир неча омиллар таъсир қилгани учун уни таҳлил қилишда жуфт регрессия тенгламасидан фойдаланиш жараёни тўлиқ ёритиш имконини бермайди. Шунинг учун одатда ташқи савдони прогнозлашда кўп омилли регрессия тенгламасидан фойдаланиш тавсия қилинади. Ушбу тенглама натижавий белгининг бир неча омиллар таъсирида қандай ўзгаришини кўрсатади. Одатда, математик статистикада натижавий белги “Y”, омил белги эса  $X_i (i=1,2,3,\dots,n)$ , билан белгиланади. Y ва X орасидаги боғланиш эса  $Y=f(x_i)$  функция орқали ифодаланади.

Ташқи иқтисодий алоқалар статистикасида натижавий белги сифатида ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт ҳажмини олиш мумкин. Омил белгилар сифатида эса ЯИМнинг ўсиш суръатлари, экспорт (импорт)нинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши, миллий валютанинг ҳорижий валютага нисбатан алмашув курси, мамлакатдаги ҳорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари, товар турларининг экспорт нархлари ва бошқа бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

Ҳар қандай жамиятда иқтисодий-ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар ўзгариб, ўсиб, таракқий топиб боради. Оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига, эскидан янгига қараб боради. Статистика ижтимоий ҳодисаларни фақат мавжуд ҳолатда олиб қарамай, балки уларнинг вақт ичида ўзгаришини ҳам ўрганади. Ижтимоий ҳодисаларнинг вақт ичида ўзгариши статистикада динамика деб, шу жараённи таърифловчи кўрсаткичлар қатори эса динамика қатори деб юритилади. Динамика қаторларини таҳлил қилишда бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар ўрганилаётган ҳодисанинг ўсиш ёки пасайиш йўналишини кузатишда, айрим қонуниятларни аниқлашда жуда муҳим роль ўйнайди.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий кўрсаткичлари, яъни ташқи савдо, экспорт ва импорт каби кўрсаткичларни динамикасини турли хил усулларда таҳлил қилиш орқали ривожланиш тенденцияларини аниқлаб чиқамиз.

Динамика қаторларини таҳлил қилиш усулидан бири тўғри чизиқли динамика қаторларини аналитик текислаш усули ҳисобланади.

Динамика қаторларини таҳлил қилишда пайдо бўладиган асосий масалалардан бири ўрганилаётган ҳодисадаги умумий қонуниятларни тўғри аниқлашдир. Кўпгина ҳолларда дастлабки динамика қатор маълумотларини ҳар хил жойлашганини (гоҳ юқори, гоҳ пастда), натижада ўрганилаётган ҳодисамизнинг умумий тенденциясини ноаниқлигини кўрамиз. Бундай ҳолларда тегишли қонуниятни аниқлаш мақсадида ҳир хил усуллардан фойдаланиш тавсия этилади. Аналитек текислашда: қатор даражасидаги умумий тенденция ва унинг характери аниқланади. Қаторнинг характерига қараб тўғри чизиқли, парабола ёки гипербола ва бошқа чизиқлар танлаб олинади. Танлаб олинган математик тенгламадаги  $a_0$  ва  $a_1$  параметрлари кичик квадратлар  $\sum (O - \bar{O}_t)^2 \Rightarrow (\bar{O}_T)$  қатор ҳисобланади.

Тўғри чизиқли тенглама қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$\bar{O}_t = a_0 + a_1 t$$

Тенгламани  $a_0$  ва  $a_1$  параметрларини қуйидаги нормал тенгламалар системасини ечиш орқали топилади:

$$\begin{cases} a_0 n + a_1 \sum t = \sum \acute{O} \\ a_0 \sum t + a_1 \sum t^2 = \sum \acute{O}_t \end{cases}$$

Бу ерда:  $Y$  – динамика қаторлари ҳақиқий даражаси;

$n$  – даражалар сони.

Ҳисоблашни соддалаштириш учун ( $\sum t = 0$ )га тенглаштириб оламиз, у ҳолда юқоридаги тенглама қуйидаги кўринишни олади:

$$\begin{cases} a_0 n = \sum \acute{O} \\ a_1 \sum t^2 = \sum \acute{O}_t \end{cases}$$

$$Y \text{ ҳолда } a_0 = \frac{\sum t}{n}, a_1 = \frac{\sum \acute{O}_t}{\sum t^2}$$

$a_0$  ва  $a_1$  параметрларни аниқлаш учун  $\sum \acute{O}$ ,  $\sum \acute{O}_t^2$  ва  $\sum t \acute{O}$  ларни ҳисоблашимиз лозим. Қуйида берилган маълумотлар асосида номаълум кўрсаткични ҳисоблаб чиқамиз. Мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импортини аналитик текишлаймиз.

### 2.2.1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси 2004-2012 йилларда ташқи савдо айланмаси тўғри чизиқли динамика қаторларини аналитик текислаш жадвали, жорий нархларда<sup>32</sup>

Йиллар	Ташқи савдо айланмаси, млн. доллар	Шартли йиллар, t	$t^2$	$Y \cdot t$	$\bar{O}_t$
2004	8669,0	-4	16,0	-34676,0	7990,9
2005	9500,1	-3	9,0	-28500,3	10407,2
2006	11171,4	-2	4,0	-22342,8	12823,5
2007	15719,6	-1	1,0	-15719,6	15239,8
2008	19077,0	0	0,0	0,0	17656,1
2009	21209,6	1	1,0	21209,6	20072,4
2010	21844,2	2	4,0	43688,4	22488,7
2011	25537,1	3	9,0	76611,3	24905,0
2012	26176,6	4	16,0	104706,4	27321,3
	$\sum \acute{O} =$	$\sum_{t=0}$	$\sum t^2 =$	$\sum \acute{O}_t = 144977,0$	$\sum \bar{O}_t = 158904,9$

<sup>32</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

	158904,6		60		
--	----------	--	----	--	--

$a_0$  ва  $a_1$  параметрларни ҳисоблаймиз:

$$a_0 = \frac{\sum Y}{n} = \frac{158904,6}{9} = 17656,1; \quad a_1 = \frac{\sum \dot{O}_t}{\sum t^2} = \frac{144977,0}{60} = 2416,3$$

Ҳисобланган параметрлар асосида динамика қаторларини текисланган тўғри чизиқли тенгламасини тузамиз:  $\bar{O}_t = 17656,1 + 2416,3 \cdot t$

Келтирилган тенглама жадвалда келтирилган  $t$  нинг қийматини қўямиз ва натижада  $Y_t$  ни текисланган назарий қийматларини оламиз.

$$2004 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 17656,1 + 2416,3 \cdot (-4) = 7990,9$$

$$2005 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 17656,1 + 2416,3 \cdot (-3) = 10407,2$$

$$2006 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 17656,1 + 2416,3 \cdot (-2) = 12823,5$$

$$2007 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 17656,1 + 2416,3 \cdot (-1) = 15239,8$$

$$2008 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 17656,1 + 2416,3 \cdot (0) = 17656,1$$

$$2009 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 17656,1 + 2416,3 \cdot 1 = 20072,4$$

$$2010 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 17656,1 + 2416,3 \cdot 2 = 22488,7$$

$$2011 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 17656,1 + 2416,3 \cdot 3 = 24905,0$$

$$2012 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 17656,1 + 2416,3 \cdot 4 = 27321,3$$

Текисланган даражалар 2.2.1-жадвалнинг охириги устунда кўрсатилган.

Тўғри чизиқли текислаш натижасида олинган тенгламадаги регрессия коэффиценти ( $a_1 = 2416,3$ ) 2004-2012 йиллар давомида мамлакатимиз ташқи савдо йилига ўртача 2416,3 млн. долларга ортганлигидан далолат беради.

**Ўзбекистон Республикаси 2004-2012 йилларда экспортини тўғри  
чизиқли динамика қаторларини аналитик текислаш жадвали, жорий  
нархларда<sup>33</sup>**

Йиллар	Экспорт, млн. доллар	Шартли йиллар, t	t <sup>2</sup>	Y*t	$\bar{O}_t$
2004	4853,0	-4	16,0	-19412,0	4658,7
2005	5408,8	-3	9,0	-16226,4	6027,6
2006	6389,8	-2	4,0	-12779,6	7396,5
2007	8991,5	-1	1,0	-8991,5	8765,4
2008	11572,9	0	0,0	0,0	10134,3
2009	11771,3	1	1,0	11771,3	11503,2
2010	13044,5	2	4,0	26089,0	12872,1
2011	15027,2	3	9,0	45081,6	14241,0
2012	14150,1	4	16,0	56600,4	15609,9
	$\sum O =$ 91209,1	$\sum t = 0$	$\sum t^2 =$ 60	$\sum Ot = 82132,8$	$\sum \bar{O}_t = 91208,7$

$a_0$  ва  $a_1$  параметрларни ҳисоблаймиз:

$$a_0 = \frac{\sum Y}{n} = \frac{91209,1}{9} = 10134,3; \quad a_1 = \frac{\sum O_t}{\sum t^2} = \frac{82132,8}{60} = 1368,9$$

Ҳисобланган параметрлар асосида динамика қаторларини текисланган тўғри чизиқли тенгламасини тузамиз:  $\bar{O}_t = 10134,3 + 1368,9 \cdot t$

Келтирилган тенглама жадвалда келтирилган t нинг қийматини қўямиз ва натижада  $Y_t$  ни текисланган назарий қийматларини оламиз.

$$2004 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 10134,3 + 1368,9 \cdot (-4) = 4658,7$$

$$2005 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 10134,3 + 1368,9 \cdot (-3) = 6027,6$$

$$2006 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 10134,3 + 1368,9 \cdot (-2) = 7396,5$$

$$2007 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 10134,3 + 1368,9 \cdot (-1) = 8765,4$$

$$2008 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 10134,3 + 1368,9 \cdot 0 = 10134,3$$

$$2009 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 10134,3 + 1368,9 \cdot 1 = 11503,2$$

<sup>33</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

$$2010 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 10134,3 + 1368,9 \cdot 2 = 12872,1$$

$$2011 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 10134,3 + 1368,9 \cdot 3 = 14241,0$$

$$2012 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 10134,3 + 1368,9 \cdot 4 = 15609,9$$

Текисланган даражалар 2.2.2-жадвалнинг охириги устунида кўрсатилган.

Тўғри чизиқли текислаш натижасида олинган тенгламадаги регрессия коэффиценти ( $a_1 = 1368,9$ ) 2004-2012 йиллар давомида мамлакатимиз ташқи савдо йилига ўртача 1368,9 млн. долларга ортанлигидан далолат беради.

### 2.2.3-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси 2004-2012 йилларда импортини тўғри чизиқли динамика қаторларини аналитик текислаш жадвали, жорий нархларда<sup>34</sup>**

Йиллар	Импорт, млн. доллар	Шартли йиллар, t	t <sup>2</sup>	Y*t	$\bar{O}_t$
2004	3816,0	-4	16,0	-15264,0	3332,1
2005	4091,3	-3	9,0	-12273,9	4379,5
2006	4781,6	-2	4,0	-9563,2	5426,9
2007	6728,1	-1	1,0	-6728,1	6474,3
2008	7504,1	0	0,0	0,0	7521,7
2009	9438,3	1	1,0	9438,3	8569,1
2010	8799,7	2	4,0	17599,4	9616,5
2011	10509,9	3	9,0	31529,7	10663,9
2012	12026,5	4	16,0	48106,0	11711,3
	$\sum O =$ 67695,5	$\sum t = 0$	$\sum t^2 =$ 60	$\sum Ot = 62844,2$	$\sum \bar{O}_t = 67695,3$

$a_0$  ва  $a_1$  параметрларни ҳисоблаймиз:

$$a_0 = \frac{\sum Y}{n} = \frac{67695,5}{9} = 7521,7; \quad a_1 = \frac{\sum O_t}{\sum t^2} = \frac{62844,2}{60} = 1047,4$$

Ҳисобланган параметрлар асосида динамика қаторларини текисланган тўғри чизиқли тенгласини тузамиз:  $\bar{O}_t = 7521,7 + 1047,4 \cdot t$

Келтирилган тенглама жадвалда келтирилган t нинг қийматини қўямиз ва натижада  $Y_t$  ни текисланган назарий қийматларини оламиз.

<sup>34</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

$$2004 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 7521,7 + 1047,4 \cdot (-4) = 3332,1$$

$$2005 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 7521,7 + 1047,4 \cdot (-3) = 4379,5$$

$$2006 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 7521,7 + 1047,4 \cdot (-2) = 5426,9$$

$$2007 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 7521,7 + 1047,4 \cdot (-1) = 6474,3$$

$$2008 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 7521,7 + 1047,4 \cdot 0 = 7521,7$$

$$2009 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 7521,7 + 1047,4 \cdot 1 = 8569,1$$

$$2010 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 7521,7 + 1047,4 \cdot 2 = 9616,6$$

$$2011 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 7521,7 + 1047,4 \cdot 3 = 10663,9$$

$$2012 \text{ йил учун} = \bar{O}_t = 7521,7 + 1047,4 \cdot 4 = 11711,3$$

Текисланган даражалар 2.2.3-жадвалнинг охириги устунда кўрсатилган.

Тўғри чизиқли текислаш натижасида олинган тенгламадаги регрессия коэффиценти ( $a_1 = 1047,4$ ) 2004-2012 йиллар давомида мамлакатимиз ташқи савдо йилига ўртача 1047,4 млн. долларга ортганлигидан далолат беради.

#### 2.2.4-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси 2004-2012 йилларда ташқи савдоси динамика қаторлари, жорий нархларда<sup>35</sup>

Йиллар	Ташқи савдо айланмаси, млн. доллар	Экспорт, млн. доллар	Импорт, млн. доллар	Ташқи савдо сальдоси, млн. доллар
2004	7990,9	4658,7	3332,1	1326,6
2005	10407,2	6027,6	4379,5	1648,1
2006	12823,5	7396,5	5426,9	1969,6
2007	15239,8	8765,4	6474,3	2291,1
2008	17656,1	10134,3	7521,7	2612,6
2009	20072,4	11503,2	8569,1	2934,1
2010	22488,7	12872,1	9616,5	3255,6
2011	24905,0	14241,0	10663,9	3577,1
2012	27321,3	15609,9	11711,3	3898,6
2004 йилга нисбатан 2012 йилда ўзгариши, марта	3,4	3,3	3,5	2,9

<sup>35</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

2.2.4-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси 2004 йилда 7990,9 млн. АҚШ долларини ташқи қилган бўлса, 2012 йилга бориб ушбу кўрсаткич 27321,3 млн. АҚШ долларини ташқи қилган. Яъни, 2004 йилга нисбатан 2012 йилда 3,4 мартага ошганини кўришимиз мумкин. Экспорт 2004 йилда 4658,7 млн. АҚШ долларини ташқи қилган бўлса, 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 15609,9 млн. АҚШ долларини ташқи қилмоқда. 2004 йилга нисбатан 2012 йилда 3,3 мартага экспорт ҳажми ошган. Импорт 2004 йилда 3332,1 млн. АҚШ долларини ташқи қилган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 11711,3 млн. АҚШ долларини ташқи қилган. 2004 йилга нисбатан 2012 йилда 3,5 мартага ошганини кўришимиз мумкин. Ташқи савдо сальдоси 2004 йилда 1326,6 млн. АҚШ долларини ташқи қилган бўлса, 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 3898,6 млн. АҚШ долларини ташқи қилган. 2004 йилга нисбатан 2012 йилда ташқи савдо сальдоси 2,9 мартага ошганини кўришимиз мумкин.

### **2.3. Ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт ҳолатини иқтисодий-статистик таҳлили**

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, миллий хўжалик алоқаларининг глобаллашуви ҳамда давлатлараро ташқи иқтисодий алоқалар кенгайиши миллий иқтисодиёт ўсишига олиб келмоқда. Бу жараён, шунингдек, аҳоли фаровонлиги даражаси кўп жиҳатдан ҳар бир давлатнинг халқаро савдо ва меҳнат тақсимотидаги иштироки ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар афзалликларидан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Бунда иқтисодиётнинг очиқлик даражаси ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. У мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик таъминланишига, қўшимча даромад кўпайишига олиб келмоқда, корхона миқёсида эса фойда, ихтисослашув, ишлаб чиқариш харажатлари ва бошқа харажатларни камайтириш, фойдасиз ишлаб чиқаришни йўқотиш, ўзимиз ишлаб чиқара олмаган маҳсулот ёки хизматларга эга бўлиш имкониятларини бермоқда.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг асоси ҳисобланган ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импортни ривожлантириш ички бозордаги чегараланган имкониятларинигина эмас, балки таклиф бозори ҳажмини ташқи омиллар эвазига кенгайтириш имконини ҳам яратмоқда. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Маълумки, экспорт фаолияти давомида миллий ишлаб чиқарувчилар ташқи бозорда жиддий рақобатга дуч келдилар. Бу уларни доимо ишлаб чиқаришни замон талабларига мослаштириш, янги технология ва инновациялардан фойдаланиш, маҳсулот ассортиментини янгилаб туриш ва таннархини пасайтиришга ундайди. Демак, рақобатбардошликка эришишни узок муддатли даврда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим шарти, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт фаолиятини эса, инновацион жараён сифатида қараш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш ва аҳолининг реал даромадларини кескин оширишга, тўлов баланси мустаҳкамланишига, шунингдек, макроиқтисодий харажатларни қоплашнинг асосий манбаига эга бўлишга фақатгина экспортни рағбатлантиришсиёсатини кучайтириш орқали эришиш мумкин.

Кейинги йилларда жаҳон ҳўжалигига интеграция даражасини кучайиши, бу борада иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви ҳамда изчил таркибий ўзгаришлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқалари барқарор ривожланишга эришилди.

### 2.3.1-жадвал

#### Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий кўрсаткичлари

(млн. долл.)<sup>36</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар											
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Ташқи савдо айланмаси	6212,1	6307,3	5700,4	6689,2	8669	9500,1	11171,4	14227,1	21197,3	21209,6	21845	25537,1
Экспорт	3264,7	3170,4	2988,4	3725	4853	8408,8	6389,8	8991,5	11493,3	11771,3	13045	15027,2
Импорт	2947,4	3136,9	2712	2964,2	3816	4091,3	4781,6	5235,6	9704	9438,3	8800	10509,9
Сальдо	317,3	33,5	276,4	760,8	1037	1317,5	1608,2	3755,9	1789,3	2333	4245	4517,3

<sup>36</sup>Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

2.3.1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 2000-2011 йиллар оралиғида (2002 йилдан ташқари) мунтазам ўсиб бориш характерига эга. Бу даврда ўзининг минимал қийматига 2002 йил (5700,4 млн.дол.) да эришган бўлса, максимал қийматига эса 2011 йил (25537,1 млн.долл.)да эришган.

Шунингдек, экспорт ҳажми ҳам назарда тутилган даврларда кучли тебраниш характерига эга бўлмаган. Экспорт тенденциясида, жумладан, 2001 йилда олдинги йилдагига нисбатан (94,3 млн.долл.), 2002 йилда 2001 йилдагига нисбатан (182 млн.долл.)пасайиш кузатилган бўлса, 2003 ва 2007 йиллар оралиғида ушбу кўрсаткич кескин ўсиши кузатилди. Шунингдек, 2008-2009 йиллар оралиғида экспорт тенденциясида секин ўсиш юзага келди. Ушбу ҳолатни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юзага келиши ҳамда айнан шу давр оралиғида Ўзбекистоннинг экспорт товарларига жохон бозорида ташқи талаб пасайиши, хорижий ҳамкорларимиз молиявий-иқтисодий инқироздан жиддий талофат кўрганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистонда 2000-2011 йиллар оралиғида импорт ҳажми ҳам тенденцияланиш характерига эга бўлди. Жумладан, 2002 йилда унинг ҳажми 2712 млн.долл.ни, 2009 йилда 9438,3 млн.долл.ни, 2010 йилда эса 8800 млн.долл.ни ташкил этиб, бу борада олдинги йиллардагига нисбатан пасайиш кузатилди.



**2.3.1-расм. Ўзбекистонда 2000-2011 йиллар оралиғида ташқи савдо сальдосининг ўзгариш динамикаси**

Мамлакатимиздаги экспорт ва импорт жараёнлари ўртасидаги фарк ташқи савдо сальдосида ўз аксини топади. Жумладан, 2000-2011 йиллар оралиғида Ўзбекистоннинг ташқи савдо сальдосида ҳам тенденцияланиш хакрактири юзага келди (2.3.1-расм).

2.3.1-расм маълумотларидан кўришиб турибдики, 2001 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо сальдосида кескин пасайиш кузатилиб, унинг ҳажми 33,5 млн.долл.ни ташкил этган. Шунингдек, ушбу тенденцияда 2002-2006 йиллар оралиғида ушбу тенденцияда кескин ўсиш юзага келган бўлса, 2008 йилда эса, аксинча, кескин пасайиш юз берди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган асосий экспорт товарларига жаҳон бозоридаги қулай нархлар конъюктураси 2011 йилда экспорт ҳажми ўсишининг асосий омилларидан бири сифатида сақланиб қолди. Йил давомида пахта хом-ашёси ва толасининг жаҳон бозоридаги нархларининг ўсиши дунё бўйича пахта ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ва истеъмолнинг ошиши натижасида давом этди. Сўнги йилларда олтиннинг бир унциясининг нархи 1105,5 долларгача кўтарилди, бу эса сўнгги 24 йил учун рекорд даражадаги котировкадир.

2011 йилда ташқи савдо айланмаси умумий ҳажмининг 58,8 фоизини экспорт операциялари ва 41,2 фоизини импорт операциялари ташкил қилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики ташқи савдо кўрсаткичларининг ҳудудий таркибида бошқа мамлакатлар билан савдо муносабатлари яхшиланганлиги кузатилди. (2.3.2-жадвал).

### 2.3.2-жадвал

#### Ташқи савдо айланмасида экспорт ва импорт улушининг ўзгариши (%,да)<sup>37</sup>

Кўрсаткичлар	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й	2010 й	2011 й
Ташқи савдо айланмаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
МДХ мамлакатлари	43,2	49,2	40,9	37,7	43,1	43,5
Бошқа мамлакатлар	56,8	50,8	59,1	62,3	56,9	56,5
Экспорт						
МДХ мамлакатлари	42,0	47,5	34,2	33,3	45,2	44,7
Бошқа мамлакатлар	58,0	52,5	65,8	66,7	54,8	55,3
Импорт						

<sup>37</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

МДХ мамлакатлари	44,8	52,0	48,8	43,3	40,1	41,8
Бошқа мамлакатлар	55,2	48,0	51,2	56,7	59,9	58,2

Қаралаётган даврда узок хорижий малакатлар билан товар айирбошлаш 25,5 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди ва ўтган йилнинг шу кўрсаткичига нисбатан 6,1 фоизга камайди. МДХ давлатларидаги савдо ҳамкорлари билан ташқи савдо айланмасининг улуши таҳлил қилинаётган даврда 2009 йилдаги 37,7 фоиздан 2011 йилда 43,5 фоизга ошди.

Шунингдек, ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми МДХ давлатлари билан 2009 йилда 33,3 %ни 2011 йилда 44,7 %ни ташкил қилиб 11,4 %га ошганлигини кўришимиз мумкин. Хорижий мамлакатларга экспорт улуши эса 2009 йилда 66,7 % ва 2011 йилда 55,3 % яъни 11,4 %га камайган. Бундай тенденция таҳлил қилаётган даврнинг сўнгги йиллар мобайнида сақланиб қолди. 2011 йилнинг бошларида МДХ давлатларига озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва асбоб-ускуналар, рангли металлларни етказиб бериш ҳажми ошди. Хорижий мамлакатларга эса пахта толаси, кимё маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва рангли металлларни экспорт қилиш ҳажмининг энг юқори бўлиши кузатилди. Бироқ, аввалгидек, МДХ давлатлари озиқ-овқат маҳсулотлари, энергия ташувчилар, машина ва ускуналар сотиш учун, хорижий мамлакатлар эса пахта толаси, кимё маҳсулотлари, рангли металллар учун анъанавий бозор бўлиб қолмоқда.

Мамлакатга кириб келаётган импорт маҳсулотларини ҳам худудий ўзгариши кузатилди. Аниқроғи 2009 йилда МДХ мамлакатларидан импорт ҳажми 43,3 % бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 41,8 % ни ташкил этди. Хорижий давлатлар импорт улуши 2009 йилда 56,7 %дан 2011 йилда 58,2 %га ошди. МДХ давлатлари энергия ташувчилар, қора ва рангли металллар бўйича, хорижий мамлакатлар эса озиқ-овқат товарлари, машина ва асбоб-ускуналар, хизматлар бўйича асосий етказиб берувчилар бўлиб қолди.

Тайёр маҳсулот ва хизматларнинг экспортдаги улуши унинг жами ҳажмининг 50% дан кўпроғини ташкил этди. Бу ҳолат мустақиллик йилларида (2.3.3- жадвал ) ташқи савдо балансида энг юқори 4,5 млрд.дан

ортиқ АҚШ доллари ҳажмидаги ижобий сальдо бўлишига имкон яратди. Натижада, республиканинг олтин-валюта захиралари 3,8 баробарга кўпайди, бу энг аввало, ташки бозор ўзгаришларига нисбатан иктисодиётимиз барқарорлигининг мустаҳкамлигидан далолат беради.

2011 йилда кўпчилик товарлар гуруҳлари бўйича экспорт ҳажмининг пасайиши кузатилди. Хомашё бўлмаган маҳсулотларига нисбатан хомашё маҳсулотлар экспортининг камайиши кузатилди. Хомашё бўлмаган маҳсулотлар гуруҳи экспортдан фарқли равишда, 2009 йилнинг хомашё маҳсулотлари экспорти учун кулай келди. Айниқса, энергия ресурслари экспортининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан юқори суръатда ўсганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ноорганик кимё маҳсулотлари, ўғитлар, парфюмерия ва косметика воситалари, пластмассалар, дон маҳсулотлари, сабзавотлар, мевалар, ун ва ёрма маҳсулотлари, автомобиллар каби товарлар бўйича экспорт ҳажми ошди. Енгил саноат маҳсулотлари орасида трикотаж кийим-кечаклар ва ипак газламаларнинг экспорт ҳажми сезиларли даражада ўсди. “Ўзэлтехсаноат”, “Ўзметкомбинат”, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг”, “Ўзавтосаноат” ассоциациялари корхоналарининг ҳам экспорт қилиш ҳажмининг ошиши кузатилди(2.3.3- жадвал).

### 2.3.3-жадвал

#### 2006-2011 йилларда Ўзбекистон экспорти таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>38</sup>

Товарлар гуруҳи	2006й.	2007й.	2008й.	2009й.	2010й.	2011й.
Пахта толаси	17,2	12,5	9,2	8,6	11,3	9,0
Озиқ -овқат	7,9	8,5	4,4	6,0	9,7	13,2
Кимё маҳсулотлари, пластмассалар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	12,8	14,8	5,6	5,0	5,1	5,6
Энергия ресурслар	13,1	20,2	25,2	34,2	24,8	18,5
Рангли ва қора металллар	12,9	11,5	7,0	5,0	6,8	7,4
Машина ва ускуналар	10,1	10,4	7,5	2,9	5,5	6,7
Хизматлар	12,1	10,7	10,4	8,8	9,1	11,8
Бошқалар	21,1	19,4	30,7	29,5	27,7	27,8
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

<sup>38</sup>Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Хизматлар экспортининг ҳажми 2009 йилда 8,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда 11,8 %ни ташкил қилган. Хизматлар бўйича жами экспортнинг 68,7%ини транспорт хизматлари, жумладан 50% дан ортиғини темир йўл ва ҳаво транспорти ташкил этди.

2011 йилда кам улушга эга бўлган хизматлар сифати -0,1 %ни, компьютер ва ахборотлар хизматлари - 0,1% ва юридик, бухгалтерия, маслаҳатчилик ва бошқарув хизматлари - 0,2 % миқдоридан юзага келди. Гарчи медицина хизматларининг улуши унчалик кўп бўлмасада 0,3 % айнан ушбу гуруҳда юқори ўсиш суръати қайд этилди - 225%.

2011 йилда импортнинг товарлар бўйича таркибидан ҳам ижобий ўзгаришлар юзага келди. Импорт таркибининг янада оптималлашуви, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёни учун муҳим саналган маҳсулотлар импорти ҳажмининг ошишини, яъни фақатгина машина ва асбоб -ускуналар импорти ўсиши ҳолос.

Кимё маҳсулотлари жами импорт таркибидан 2006 йилда 15,0 %ни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 13,3 %ни ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики, кимё маҳсулотлари импорти 2006 йилга нисбатан 2011 йилда 1,7 фоизга камайганини кўришимиз мумкин. Ўтган йиллар мобайнида энг катта ўсиш энергия ташувчилар гуруҳида қайд этилган эди. Бироқ, жами импорт ҳажмидаги улуши бўйича ҳалигача асосий ўринни машина ва асбоб-ускуналар гуруҳи эгаллайди ва 2011 йилда жами импорт ҳажмининг 41,3 фоизини ташкил этди (2.3.4-жадвал).

#### 2.3.4-жадвал

##### 2006-2011 йилларда Ўзбекистон импорти таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>39</sup>

Товарлар гуруҳи	2006й	2007й	2008й	2009й	2010й	2011й
Озиқ-овқат	8,1	7,9	8,1	9,0	10,9	12,4
Кимё маҳсулотлари, пластмассалар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	15,0	14,8	13,0	11,1	14,3	13,3
Энергия ресурслар	4,3	3,3	2,1	3,5	6,0	8,1
Рангли ва қора металлар	10,4	8,3	6,8	6,3	8,4	8,1
Машина ва ускуналар	40,3	46,6	53,3	56,5	44,1	41,3

<sup>39</sup>Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Хизматлар	9,1	7,4	5,7	4,4	4,7	5,3
Бошқалар	12,8	12,0	11,0	9,2	11,6	11,5
Жами	100	100	100	100	100	100

Кимё маҳсулотлари жами импорт ҳажмидаги улуши 13,3 %ни, озиқ-овқат маҳсулотлари эса 12,4 %ни ташкил қилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари 2006 йилда жами импорт маҳсулотларини улушини 8,1 %ни ташкил қилган эди. 2008 йилдан бошлаб бу кўрсаткич ўсиб бошлади ва 2011 йилда 12,4 %ни ташкил этди. Ўтган давр давомида озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг асосан шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари, ун ва ёрма саноати маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши ҳисобига ошиши кузатилган эди.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар чет эл маҳсулотлари билан бемалол рақобатлашадиган даражада ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг натижасида мамлакатимиз ташқи савдосида экспортнинг улуши ортиб бормоқда.

### 2.3.5-жадвал

#### Республика ташқи савдо айланмасида дунё мамлакатларининг улуши<sup>40</sup>

	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2009 йилга нисбатан 2011 йилда ўсиши
Россия	21,0	29,2	26,2	124,8
Хитой	9,7	9,5	10,2	105,2
Қозоғистон	6,2	8,3	10,9	175,8
Корея Республикаси	5,8	7,4	6,4	110,3
Туркия	3,2	4,4	4,7	146,9
Эрон	2,7	3,0	1,7	63,0
Украина	7,2	2,5	2,6	36,1
Германия	2,2	2,2	2,7	122,7
Буюк Британия	0,8	1,0	0,7	87,5
Туркменистон	0,9	0,9	1,8	200,0
Франция	0,9	0,8	1,4	155,6
АҚШ	1,7	0,8	1,0	58,8
Ҳиндистон	0,6	0,7	0,6	100,0
Қирғизистон	0,8	0,7	0,6	75,0
Италия	0,8	0,7	0,7	87,5
Швейцария	7,9	0,6	0,4	5,1
Беларусь	0,7	0,6	0,6	85,7
Япония	0,7	0,6	0,6	85,7
Тожикистон	0,8	0,6	0,5	62,5
Латвия	0,8	0,6	0,8	100,0

<sup>40</sup>Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Нидерландия	0,3	0,3	0,4	133,3
Бельгия	0,3	0,3	0,3	100,0
Озарбайжон	0,2	0,2	0,2	100,0

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда ташқи савдо айланмасининг худудий таркибида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. МДХ мамлакатларига йўналтирилган республика ташқи савдоси географияси кенгайиб бормоқда. Республиканинг ташқи савдо алоқалари йўналишларини мустақил белгиланиши узоқ хориж ҳамда МДХ мамлакатлари бозорлари ўртасида республика товар оқимининг қайта таксимланиши ва ҳозирги ҳолга келишининг асосий сабаби бўлиб ҳисобланади. (2.3.5-жадвалда) келтирилган маълумотлар Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида дунё мамлакатларини улушини кўришимиз мумкин.

Экспорт бўйича ўнта давлат бутун йил давомида етакчи савдо ҳамкорлари бўлишди: Россиянинг улуши – 26,2 % (2009 йилга нисбатан 124,8 %), Қозоғистон – 10,9 % (175,8 %), Украина - 2,6 % (36,1 %), Хитой – 10,2% (105,2 %), Туркия - 4,7 % (146,9 %), Корея Республикаси - 6,4 % (110,3 %), Эрон – 1,7 (63,0%), Швейцария - 0,4 % (5,1 %), Германия - 2,7 % (122,7 %), Франция – 1,4 (155,6 %)ни ташкил қилган (2.3.5-жадвал).

Товар айирбошлаш бўйича ижобий сальдонинг юқори кўрсаткичларига Россия, Қозоғистон, Германия, Эрон давлатларига тўғри келди.

## **2-боб бўйича хулоса**

1. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тўлов баланси орқали амалга оширилади. Тўлов балансини тузишдан асосан икки мақсад кўзланади. Биринчидан, ҳар бир мамлакат мамлакатнинг ташқи дунё билан бўлган иқтисодий муносабатларини натижаларини билиши мумкин, иккинчидан, бошқа мамлакатлар тўлов балансидан фойдаланган ҳолда дунё миқёсида товарлар, хизматлар, инвестиция ва кредитлар бозорида бўлаётган жараёнларни билишга имкон бўлади. Шу сабабли, ҳамма мамлакатларда тўлов баланси ягона андоза асосида тузилади.

2. Мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси 2004 йилда 7990,9 млн. АҚШ долларини ташқи қилган бўлса, 2012 йилга бориб ушбу кўрсаткич 27321,3 млн. АҚШ долларини ташқи қилган. Яъни, 2004 йилга нисбатан 2012 йилда 3,4 мартага ошганини кўришимиз мумкин. Экспорт 2004 йилда 4658,7 млн. АҚШ долларини ташқи қилган бўлса, 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 15609,9 млн. АҚШ долларини ташқи қилмоқда. 2004 йилга нисбатан 2012 йилда 3,3 мартага экспорт ҳажми ошган. Импорт 2004 йилда 3332,1 млн. АҚШ долларини ташқи қилган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 11711,3 млн. АҚШ долларини ташқи қилган. 2004 йилга нисбатан 2012 йилда 3,5 мартага ошганини кўришимиз мумкин. Ташқи савдо сальдоси 2004 йилда 1326,6 млн. АҚШ долларини ташқи қилган бўлса, 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 3898,6 млн. АҚШ долларини ташқи қилган. 2004 йилга нисбатан 2012 йилда ташқи савдо сальдоси 2,9 мартага ошганини кўришимиз мумкин.

3. 2001 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо сальдосида кескин пасайиш кузатилиб, унинг ҳажми 33,5 млн.долл.ни ташқи этган. Шунингдек, ушбу тенденцияда 2002-2006 йиллар оралиғида ушбу тенденцияда кескин ўсиш юзига келган бўлса, 2008 йилда эса, аксинча, кескин пасайиш юз берди.

### **Ш боб. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОЖХОНА СТАТИСТИКАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

#### **3.1. Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда божхона статистикаси ва унинг асосий вазифалари**

Республикаимиз Президентининг 1997 йил 8 июлда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1815-сонли фармони божхона иши ва хизматида янги босқични бошлаб берди. Ҳозирги пайтда уларнинг зиммасига жуда мураккаб ва масъулиятли вазифалар ҳам юклаталди.

Маълумки, Республика Олий Мажлисининг 1997 йил августда бўлиб ўтган 9-сессиясида божхона ишига доир 3 та йирик қонун ҳужжати қабул қилинди. Булар Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси, «Бож тарифи тўғрисида»га ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидир. Мазкур қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган бўлиб, божхона ишига оид кўп сонли меъёрий ҳужжатларни ихчамлаштиришга замин яратади, муайян бир тизимга солади ва кўлланишини осонлаштиради.

«Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ташқи иқтисодий фаолиятни тариф усуллари билан тартибга солиш йўлидаги энг муҳим қадам бўлди. Бу қонунда божхона қийматини белгилаш ҳамда товар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш масаласи жаҳон андозалари даражасида қонунлаштирилди ва кучга киритилди.

«Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Ўзбекистон Республикасининг ягона божхона сиёсатини амалга ошириш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадига асосланади ва божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгалаб беради.

Давлат божхона статистикасининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

1) республика божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

2) республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, белгиланган ваколатлар доирасида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш божхона қонунчилигига риоя этилишининг назорат қилиб бориш;

3) божхона ишларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг, шунингдек, юридак шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасида божхона назоратини таъминлаш, шу чегара орқали товарлар ватранспорт воситалари ўтишини тезлаштиришга имкон берадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш;

5) контрабандага, божхона қонунчилигини бузишларга қарши кураш, наркотик моддалар, психотроп ва портловчи моддалар, курол-яроғ, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланувчи бадий, маданий-тарихий ва археологик мерос буюмлари, ақлий мулк объектлари республиканинг божхона чегараси орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига чек қўйиш;

6) савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг божхона воситаларини қўллаш, бож ҳақи, солиқлар ҳамда бошқа божхона тўловларини ундириб олиш;

7) хорижий давлатларнинг божхона органлари, божхона иши масалаларига мутасадди халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро божхона ва савдо ташкилотларида иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига тааллуқли қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

8) ташқи иқтисодий фаолиятга оид божхона статистикаси ва товар номенклатурасини юритиш;

9) божхона иши соҳасида фаолият тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда унга ишлов бериш борасидаги автоматлаштирилган тизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Дунё хўжалигининг XXаср охирларидага фаолиятида ўзига хос хусусиятлардан бири давлатлар ўртасидага халқаро иқтисодий муносабатлар янада ривожланиши ва такомиллаштиришдир. Ҳар бир давлат бундай шароитда ташқи иқтисодий фаолиятини ўз иқтисодиётини ҳар томоилама ривожлантириш, дунё хўжалигига интеграциялашув жараёнларини эътиборда тутган ҳолда, ташкил этишга қаратган бўлади.

Божхона статистикасининг асосий вазифаларини белгилаш ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг асосий шароитларидан бири бўлмиш ташқи савдони (экспорт ва импорт жараёнларини) амалга оширишда давлатнинг роли, асосан, ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш ва ташқи савдони тартибга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқаришда қўллашга қаратилади. Бу чора-тадбирлар дунё хўжалигида маълум устуворликларга эришишга йўналтирилади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш бир томонлама, яъни давлат томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар давлат органлари томонидан савдо бўйича шерик давлатлар билан келишилмаган ва маслаҳатлашмаган ҳолда қўлланиладн.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок божхона статистикасининг асосий вазифаларини белгилашда ташқи иқтисодий мажмуани бошқаришнинг ўзига хос тизимларини тезкор шакллантириш, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш тамойилларини ишлаб чиқиш, республиканинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви йўлларини мустақил белгилаб олиш вазифаси қўйилган эди. Айти пайтда республика ҳукумати томонидан ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши ва зарур ҳуқуқий асослар яратилиши Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий мамлакатлар юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиши ва ривожлантирилишига имкон берди.

Хусусан, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий тамойилларини белгилаб берди. Мазкур қонуннинг 17-моддасига биноан ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади: ташқи иқтисодий алоқаларнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш; валюта сиёсати орқали тартибга солиш; солиқ сиёсати орқали тартибга солиш; тариф ва нотариф дастаклар орқали тартибга солиш; Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун химоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни қўллаш; ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан, миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш; олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш; техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш; ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш. Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бож тўламасдан товар олиб киришнинг чегараланган меъёрларвга мувофиқ (Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 10 сентябрда 279-сон билан рўйхатдан ўтказилган) жисмоний шахсларга чегарадош бўлмаган давлатлар ҳудудидан (мисол учун, Россия Федерациясидан) божхона божлари ва ҚҚС тўламасдан ўз эҳтиёжлари учун умумий қиймати эквивалентда 1000 доллардан ошмайдиган товарларни олиб келишга рухсат берилади.

Бундай ҳолатда қуйидагилар тўланиши керак:

- жисмоний шахслардан йиғим  $(2500 \text{ долл.} - 1000 \text{ долл.}) \times 20 \% = 300$  долл;

- бож (агар эҳтиёт қисмлар ТИФ ТН 8708 кодига эга бўлса)  $(2500 \text{ долл.} - 1000 \text{ долл.}) \times 10 \% = 150$  долл, ТИФ ТН бошқа кодларида бож ставкасини Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 январдаги 4-сонли қарорига 1-иловадан

топиш мумкин. Агар МДХ мамлакатларида ишлаб чиқарилган ва у ердан олиб келинадиган товарларнинг келиб чиқиш тўғрисида сертификат мавжуд бўлса, божхона божи ундирилмайди. Қиймати 5000 долл.дан кам бўлган товарларга келиб чиқиш тўғрисидаги белги ваколатли орган томонидан унга илова қилинувчи хужжатларга қўйилиши мумкин;

- акциз солиғига эҳтиёт қисмлар ТИФ ТН 8708 кодига эга бўлган ҳолда жисмоний шахслар томонидан акциз солиғини тўламасдан олиб кириш меъёри белгиланмаган (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 13 мартда 412-сон билан рўйхатдан ўтказилган, "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни: олиб келишнинг чегараланган меъёрлари"). Шу сабабли акциз солиғи суммаси  $2500 \text{ долл.} \times 10 \% = 250 \text{ долл.}$ ;

- қўшилган қиймат солиғи ( $1500 \text{ долл.} + 150 \text{ долл. бож} + 250 \text{ долл. акциз}$ )  $\times 20\% = 400 \text{ долл.}$  Жами:  $300 + 150 + 250 + 400 = 1100 \text{ долл.}$  (ёки 950 долл. агар бож тўланмаса) /СБХ 2005 йил №41(585) 10 октябрь.

Қайд этилган ҳисоб-китоблардан кўринадики, божхона статистикасида божхона тўловлари суммаси кўпгина омилларга боғлиқ. Хулосада тўлов миллий валюта – сўмда тўлов кунига Марказий банк курси бўйича амалга оширилишини эслатиш лозим.

Давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича олиб борилаётган сиёсат ҳисобланади. Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кенг кўламли солиқ имтиёзлари тизими яратилган, шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантирувчи бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ҳарб экспертларининг фикрича, бундай имтиёзлар тизими МДХ мамлакатлари ичида энг мақбул тизим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишдан бош мақсад миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида таркибий ўзгаришларни жадал амалга ошириш, табиий хом ашё ресурсларини замонавий технологиялар асосида

чуқур қайта ишлаш, ҳам ички, ҳам ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат.

Божхона статистикаси – ташқи иқтисодий алоқалар статистикасининг бир қисми бўлиб, у мамлакат чегарасидан ўтувчи товарлар билан бирга, айрим кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларни ҳам ҳисобга олади. Божхона статистикасининг ўрганиш объекти бўлиб, мамлакатнинг ташқи савдо обороти ҳисобланади. Товарлар экспорти ва импортини натурал ва пул формада ҳисобга олиш ва уларнинг географик йўналишини аниқлаш унинг кузатиш объекти ҳисобланади.

Божхона статистикасининг асоси бўлиб, мамлакатнинг боғхона кодекси ҳисобланади. Маълумот манбаи эса бирламчи ҳужжат – юк боғхона декларациясидаги (ЮБД) маълумотлар ҳисобланади.

ЮБДсида мамлакат чегарасидан ташқарига чиқаётган ва чегарадан келаётган товарлар ҳисоботи амалга оширилади. Декларацияда товарларнинг йўналиши (кириш, чиқиш) қиймати, товарнинг коди ва номи, соф оғирлиги, боғхона режими ва ҳ.к. келтирилади. Шу маълумотлар асосида мамлакатнинг ташқи савдоси ҳақида маълумотлар тузилади, шунинг учун ЮБДда бир хил ҳисоб бирликлари, шу билан бирга халқаро классификаторлар ва номенклатуралар қўлланилади. Шу асосда ташқи савдо географиясини аниқлаш мумкин ва шу маълумотлар боғхона статистикаси учун маълумот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси боғхона статистикасида товарларнинг қуйидаги категорияси ҳисобга олинади:

Импорт:

- эркин муомала учун олиб киритилган товарлар;
- реимпорт товарлари;
- боғхона ҳудудида қайта ишлаш учун олиб киритилган товарлар;
- боғхона назорати остида қайта ишлаш учун олиб киритилган товарлар;
- реэкспорт товарлари;

- шахслар томонидан олиб келиниб давлат фойдасига ўтказилган товарлар;

- пошлинасиз савдо магазинларига келтирилган чет эл товарлари;

- бир йил ва ундан ортиқ муддат билан ижарага қўйиш учун киритилган товарлар;

Экспорт:

- божхона режими бўйича четга чиқарилган товарлар;

- божхона худудида қайта ишлашдан сўнг чиқарилган товарлар;

- реэкспорт режими бўйича четга чиқарилган товарлар;

- пошлинасиз савдо магазинларидан четга чиқарилган Ўзбекистон ва чет мамлакатлари товарлари;

- бир йил ва ундан ортиқ муддат билан ижарага қўйиш учун четга чиқарилган товарлар.

Божхона статистикасида ҳисобга олинган товарларга мамлакат моддий бойликларини орттирадиган ёки камайтирадиган товарларнинг барчаси критилади (муомаладаги валюталардан ташқари).

Бизнингча, мамлакат ва жаҳон иқтисодиёти тизимида рўй бераётган мураккаб вазиятларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиёти ўсишини таъминлаш ва аҳоли турмуш шароитини юксалтиришга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсатни янада такомиллаштартиш зарур. Ташқи иқтисодий сиёсат соҳасида белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишга мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишини янада жадаллаштириш, анъанавий экспорт маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш ва экспорт номенклатурасини кенгайтириб бориш; қўшилган қийматга эга бўлган экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини янада кўпайтириш орқалигина эришиш мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ўрганишда, божхона статистикасида статистик усуллардан кенг фойдаланилмаяпти. Яъни, статистик кузатиш усули, динамика қаторлари таҳлили, корреляцион-регрессион таҳлили усули, иқтисодий индекслар усулларида кенг фойдаланилса мақсадга мувофиқ

булар эди. Ушбу усуллардан фойдаланиш учун божхонада ишлаётган мутахассислар статистик усулларни чуқур билишлари лозим. Афсуски, божхонада ишлаётган ходимлар статистик усулларни қўллашни билишмайди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги сабабли чет мамлакатларга экспорт қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларимизнинг асосий қисми хўл мевалар ҳисобланади. Шундай экан ушбу маҳсулотларни ўз манзилига тез ва сифатли етказиш мақсадида божхонада танланма кузатиш усули кенг жорий этилиши лозим. Лекин танланма кузатишни ўтказадиган мутахассислар етишмайди. Шунинг учун божхона хизматида ишлаётган ходимларни юқорида санаб ўтган статистик усулларни ўрганишга ва малакасини оширишга эътибор қилиниши керак деб ҳисоблаймиз.

### **3.2. Ташқи иқтисодий алоқаларни божхона омили асосида бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштириш**

Ташқи савдо ва божхона соҳалари миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг муҳим омиллари ҳисобланиб, улар мамлакатнинг жаҳон хўжалик тизимидаги нуфузини белгилашда алоҳида аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан ҳам ташқи савдо ва божхона фаолиятини уйғун ҳолда самарали бошқариш мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Жаҳон хўжалик тизимида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бу борада шундай деган: «ўтган йилларнинг мантиғи бизни ҳозирги кунда учта асосий саволга мурожаат қилишга ундамоқда. Ўзбекистоннинг келажаги ана шу саволларга қандай жавоб беришимизга боғлиқ. Булар қуйидагилардир: хавфсизликни қандай

сақлаб қолиш лозим? Барқарорликни қандай таъминлаш даркор? Тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин?»<sup>41</sup>.

Миллий хавфсизликнинг таркибий қисми ҳисобланган ташқи савдо ва божхона соҳасида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ўта муҳим. Зеро, ташқи савдо миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимидаги нуфузини белгиласа, божхона омили уни тартибга солишнинг муҳим воситасидир. Иқтисодий хавфсизлик доирасида улар бир вақтнинг ўзида жаҳон ва миллий иқтисодий тизимларида иштирок этувчи асосий субъектлар саналади.

Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодий хавфсизликнинг моҳиятига, асосан, миллий манфаатлар, миллий иқтисодиёт барқарорлиги, эҳтиёж ва аҳоли турмуш даражаси белгилари асосидаги ёндашилган.

Мавжуд услубий таъминот таҳлилига кўра, ташқи савдо соҳасида иқтисодий хавфсизликнинг методологик-услубий масалалари асосан унинг миллий иқтисодиёт ёки тармоқлар иқтисодий хавфсизлиги ва ижтимоий масалалар нуқтаи назаридан кўрилиши билан тавсифланади. Уларда асосан қуйидаги мезонлар амал қилади: миллий иқтисодиёт ёки тармоқ (корхона, маҳсулот)нинг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлиги, импортга нисбатан экспортнинг устунлиги ва бошқалар.

Божхона соҳасида иқтисодий хавфсизлик масалаларини тегишли равишда ўрганиш асосида шуни таъкидлаш мумкинки, мавжуд ёндашувларни ижобий баҳолаган ҳолда қуйидаги ёндашув ўзининг кенг қамровлиги билан ажралиб туради, яъни: «Божхона соҳасида иқтисодий хавфсизлик божхона сиёсати ижроси ва божхона ишини самарали ташкил этиш асосида божхона органларига юклатилган вазифаларни иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан тўлиқ ва сифатли бажариш ҳамда миллий иқтисодиётни самарали ривожлантиришга йўналтирилган божхона

---

<sup>41</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон. 1997. 7-6.

воситаларини қўллаш асосида тегишли ижтимоий-иқтисодий натижаларни таъминлаш лаёқатидир»<sup>42</sup>.

Услубий жиҳатдан иқтисодий хавфсизликни тавсифловчи индикаторлар муайян белгилар асосида тизимлаштирилади. Бунда белгилар таҳликали қуйи чегара, манфаатлар, аҳоли жон бошига нисбатан, фойда ва бошқалар асосида шакллантирилиб, 70 дан ортиқ индикаторлардан фойдаланилади. Қатор мутахассисларнинг фикрича, индикаторлар сифатида турмуш даражаси ва сифати, инфляция суръати, иқтисодий ўсиш, бюджет дефицити, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув даражаси, аҳоли даромадлари, чакана нархлар миқдори, худуднинг тўлов баланси, худуднинг мамлакат ЯИМдаги улуши кабилардан кенг фойдаланилади.

Иқтисодий хавфсизликка ёндашув негизида ташқи савдони божхона омили асосидаги бошқариш жараёни иштирокчилари ва қарорлар ижроси нуқтаи назаридан қуйидаги индикаторлар таклиф этилади: «Божхона бошқарув қарорининг мақбуллиги», «Божхона бошқарув қарорининг чегаравий меъёри», «Божхона бошқарув қарорининг самарадорлиги»; «Ташқи савдо бошқарув қарорининг мақбуллиги», «Ташқи савдо бошқарув қарорининг чегаравий меъёри», «Ташқи савдо бошқарув қарорининг самарадорлиги»; «Божхона ва ташқи савдо бошқарув қарорлари уйғунлиги самарадорлиги». Мазкур индикаторлар моҳиятига мувофиқ ҳолда ташқи савдони божхона омили асосидаги бошқарув индикаторларининг 22 та таркибий кўрсаткичи қуйидагиларни эътиборга олиб таклиф қилинган: бошқарув қарорининг стратегик мақсад, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, тасдиқланган лойиҳалар талаблари ва мавжуд потенциалга мувофиқлиги; бошқарув қарорини келишиш ва зарур ҳолларда объектив равишда унга тегишли ўзгартиришлар киритишнинг уйғунлиги; бошқарув қарорини қабул қилувчи ходим (ходимлар)нинг тегишли профессионал тажрибага эгалиги ва у (улар)ларнинг давлат малакавий талабларига жавоб бериши.

---

<sup>42</sup>Турапов Р, Ўзбекистон Республикасида божхона фаолияти самарадорлигини ошириш: услубияти ҳолати, асосий йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон. 2006. 158 б.

Иқтисодий хавфсизлик индикаторининг таркибий кўрсаткичларини ишлаб чиқишда инсон омилига алоҳида эътибор қаратилди. «Инсон омили, инсондаги миқдор ва сифат ўзгаришларини ўзида ифодалайдиган, табиат билан жамият ўртасидаги диалектик боғлиқлик асосида ўзининг ҳаёт фаолиятини олиб борадиган, ижтимоий тараққиётнинг ҳамма соҳаларига таъсир ўтказадиган инсоний хусусиятлар, қобилиятлар ва муносабатлар йиғиндисидир»<sup>43</sup>. Шу жиҳатдан кўрсаткичлар таркибида бошқарув қарорини қабул қилувчи ходим (ходимлар) билим даражасининг давлат малакавий талаблари даражасига мувофиқлиги ҳамда уларнинг тегишли даражадаги профессионал тажрибаси мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шуни таъкидлаш керакки, таклиф этилган индикаторлар таркибий кўрсаткичларни услубий жиҳатдан баҳолаш муҳим аҳамият касб этиб, масалага «бошқарув қарори» нуқтаи назаридан қуйидаги мезонлар асосида ёндашилиши мақсадга мувофиқ: жараённинг таҳликали юқори ва қуйи чегараларини аниқлаш; бошқарув қарорининг қабул ҳолати бўйича тўлиқ ижроси ёхуд объектив келишилган ёки форс-мажор ҳолати эътиборга олиш. Унга мувофиқ ҳолда ушбу услубий ёндашув асосида иқтисодий хавфсизликка ёндашув негизида ташқи савдони божхона омили асосида бошқариш юзасидан таклиф этилаётган индикаторлар ва таркибий кўрсаткичлари тизими ҳамда амал қилишини миқдорий баҳолашнинг услубий матрицаси ишлаб чиқилди (жадвал). Унга кўра масаланинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг амал қилиш шартлари «тенглик» (=) ёки «ортиқлик» (>) асосида шакллантирилиши мақсадга мувофиқ.

---

<sup>43</sup>Абулқосимов Х. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. – Т., 2005. 106.

### 3.2.1 - жадвал

## Ташқи савдони божхона омили асосида бошқариш индикаторлари, таркибий кўрсаткичлари тизими ва услубий матрицаси\*

Т/р	Иқтисодий хавфсизлик индикаторлари (таклиф)	Иқтисодий хавфсизлик индикаторининг таркибий кўрсаткичи (таклиф)		Амал қилиш шарти	
				таркибий кўрсаткич	индикатор
1.	Божхона бошқарув қарорининг мақбуллиги (Бкм)	1а.	Божхона бошқарув қарори (1а)нинг стратегик мақсадга (СМ) мувофиқлиги	1а = СМ	Бкм=1а, 1б, 1в, 1г.
		1б.	Божхона бошқарув қарори (1б)нинг мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига (НХХ) мувофиқлиги	1б = НХХ	
		1в.	Божхона бошқарув қарори (1в)нинг тасдиқ-ланган лойиҳалар (ТЛ) талабларига мувофиқлиги	1в = ТЛ	
		1г.	Божхона бошқарув қарори (1г)нинг мавжуд имкониятлар потенциалига (МИП) мувофиқлиги	1г = МИП	
2.	Божхона бошқарув қарорининг чегаравий меъёри (Бчм)	2а.	Божхона бошқарув қарори (2а)нинг мақбул ҳолати ижроси даражасигададан - объектив (ОК) ёки келишилган форс-мажор ҳолати бўйича таҳдиқали қуйи чегарасигача	Бчм = (тенглик) ёки Бчм > (ортиқлик)	
		2б.	Божхона бошқарув қарорини қабул қилувчи ходим (ходимлар) билим даражасининг давлат малакавий талаблари даражасига мувофиқлиги	Бчм = (тенглик) ёки Бчм > (ортиқлик)	
		2в.	Божхона бошқарув қарорини қабул қилувчи ходим (ходимлар) профессионал тажрибасининг мавжудлиги (камида 5 йиллик профессионал фаолият)		
3.	Божхона бошқарув қарорининг самарадорлиги (Бкс)	3а.	Божхона бошқарув қарори (3а)нинг тўлиқ ижроси (ТИ) даражаси	3а = ТИ	БКС=3а, 3б, 3в.
		3б.	Божхона бошқарув қарори (3б)ни объектив равишда тасдиқланган кўрсатма (ОК)га мувофиқ бажарилиш даражаси	3б = ОК	
		3в.	Божхона бошқарув қарори (3в)нинг божхона-режа кўрсаткичларига (РК) мувофиқ ҳолда бажарилиш даражаси	3в = РК	
4.	Ташқи савдо бошқарув қарорининг мақбуллиги (Ткм)	4а.	Ташқи савдо бошқарув қарори (4а)нинг стратегик мақсадга (СМ) мувофиқлиги.	4а = СМ	Бкм=4а,4б,4г.
		4б.	Ташқи савдо бошқарув қарори (4б)нинг мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига (НХХ) мувофиқлиги	4б = НХХ	
		4в.	Ташқи савдо бошқарув қарори (4в)нинг тасдиқланган лойиҳалар (ТЛ) талабларига мувофиқлиги	4в = ТЛ	
		4г.	Ташқи савдо бошқарув қарори (4г)нинг мавжуд имкониятлар потенциалига (МИП) мувофиқлиги	4г = МИП	
5.	Ташқи савдо бошқарув қарорининг чегаравий меъёри (Тчм)	5а.	Ташқи савдо бошқарув қарори (5а)нинг мақбул ҳолати ижроси даражасигададан объектив ёки келишилган форс-мажор ҳолати бўйича таҳдиқали қуйи чегарасигача	Бчм = (тенглик) ёки Бчм > (ортиқлик)	
		5б.	Ташқи савдо бошқарув қарорини қабул қилувчи ходим (ходимлар) билим даражасининг давлат малакавий талаблари даражасига мувофиқлиги		
		5в.	Ташқи савдо бошқарув қарорини қабул қилувчи ходим (ходимлар) профессионал тажрибасининг мавжудлиги (камида 5 йиллик профессионал фаолият)		
6.	Ташқи савдо бошқарув қарорининг самарадорлиги (Ткс)	6а.	Ташқи савдо бошқарув қарори (6а)нинг тўлиқ ижроси (ТИ) даражаси	6а = ТИ	Бкс=6а,6б,6в.
		6б.	Ташқи савдо бошқарув қарори (6б)ни объектив равишда тасдиқланган кўрсатма (ОК)га мувофиқ бажарилиш даражаси	6б = ОК	
		6в.	Ташқи савдо бошқарув қарори (6в)нинг божхона режа кўрсаткичларига (РК) мувофиқ ҳолда бажарилиш даражаси	6в = РК	
7.	Божхона ва ташқи савдо бошқарув қарорлари уйғунлиги самарадорлиги (БТкс)	7а.	Божхона ва ташқи савдо бошқарув қарорлари (7а)нинг тўлиқ ижроси (ТИ)	7а=ТИ	Ткс=7а, 7б.
		7б.	Ташқи савдо ва божхона бошқарув қарорлари (7б)нинг ташқи савдо айланмасининг мақбул таркибига (ТСАмт) ижобий таъсири	7б = ТСАмт	

\*Таклифлар муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тавсия этилаётган индикаторлар таркибий кўрсаткичларнинг чегаравий меъёрлари, яъни «таҳликали юқори чегара» ва «таҳликали қуйи чегара»ларини миқдорий баҳолаш бошқарув қарорлари бўйича жараёнларнинг иқтисодий хавфсизлик даражасини аниқлашга хизмат қилади. Индикаторлар таркибий кўрсаткичлари чегаравий меъёрларининг «таҳликали юқори чегара» ва «таҳликали қуйи чегара»ларини 1,0 ва 0,0 асосида баҳолаш керак, унда 1,0 - объектив меъёргача бўлган даражани, 0,0 - объектив равишда тасдиқланган кўрсатма ёки форс-мажор даражасини белгилайди.

Таъкидлаш керакки, бошқарув қарорлари самарадорлиги кўп жиҳатдан экспорт-импорт таркибида намоён бўлади. Қатор олимлар томонидан иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назаридан экспорт-импорт ҳажми ва ўсиш суръатлари ҳамда уларнинг мамлакатлар бўйича тақсимланиш каби иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари тақлиф этилган. Фикримизча, бунда миқдорий баҳолашда «экспорт-импорт жараёндаги ижобий ўзгариш» мезонини асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ёндашув, биринчи навбатда миллий иқтисодиёт учун экспорт-импортнинг энг мақбул таркибини шакллантиришда инновацион ва модернизация жараёнлари ҳамда тайёр маҳсулот ва хизматлар каби йўналишларни қамраб олишга хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда божхона ва ташқи савдо бошқарув қарори самарадорлигини миқдорий баҳолашда иқтисодий хавфсизликнинг қуйидаги 9 та кўрсаткичнихисоблаш зарур: Экспорт таркибининг мақбуллиги йўналиши бўйича: 1) экспорт таркибида фан ютуқларини кенг кўламда талаб этадиган маҳсулотлар улуши; 2) экспорт таркибида инновацион маҳсулотлар улуши; 3) экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши; 4) экспорт таркибида хизматлар улуши; 5) экспорт таркибида хомашё маҳсулотлари улуши; 6) экспортнинг танланган белги асосидаги таркиби. *Импорт таркибининг мақбуллиги йўналиши бўйича:* 1) импорт таркибида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун мўлжалланган маҳсулотлар улуши; 2) импорт

таркибида инновацион маҳсулотлар улуши; 3) импортнинг танланган белги асосидаги таркиби.

Улар экспорт-импорт таркибининг энг мақбул нисбатларда шаклланишига услубий асос яратиб, мазкур йўналишдаги жараёнларни миқдорий баҳолаш асосида бошқарув қарорлари самарадорлигини оширишга имкон беради.

Юқорида келтирилган иқтисодий хавфсизликга ёндашув негизида ташқи савдони божхона омили асосида бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича келтирилган кўрсаткичлар ташқи иқтисодий фаолият самарадорлига ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш сифатини оширишга услубий асос яратади.

### **3-боб бўйича хулоса**

1. Давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича олиб борилаётган сиёсат ҳисобланади. Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кенг кўламли солиқ имтиёзлари тизими яратилган, шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантирувчи бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ҳарб экспертларининг фикрича, бундай имтиёзлар тизими МДҲ мамлакатлари ичида энг мақбул тизим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишдан бош мақсад миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида таркибий ўзгаришларни жадал амалга ошириш, табиий хом ашё ресурсларини замонавий технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш, ҳам ички, ҳам ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат.

2. Мамлакат ва жаҳон иқтисодиёти тизимида рўй бераётган мураккаб вазиятларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиёти ўсишини таъминлаш ва аҳоли турмуш шароитини юксалтиришга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсатни янада такомиллаштираш зарур. Ташқи иқтисодий сиёсат соҳасида

белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишга мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишини янада жадаллаштириш, анъанавий экспорт маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш ва экспорт номенклатурасини кенгайтириб бориш; кўшилган қийматга эга бўлган экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини янада кўпайтириш орқалигина эришиш мумкин.

3. Божхона ва ташқи савдо бошқарув қарори самарадорлигини миқдорий баҳолашда иқтисодий хавфсизликнинг қуйидаги 9 та кўрсаткични ҳисоблаш зарур: Экспорт таркибининг мақбуллиги йўналиши бўйича: 1) экспорт таркибида фан ютуқларини кенг кўламда талаб этадиган маҳсулотлар улуши; 2) экспорт таркибида инновацион маҳсулотлар улуши; 3) экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши; 4) экспорт таркибида хизматлар улуши; 5) экспорт таркибида хомашё маҳсулотлари улуши; 6) экспортнинг танланган белги асосидаги таркиби. *Импорт таркибининг мақбуллиги йўналиши бўйича:* 1) импорт таркибида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун мўлжалланган маҳсулотлар улуши; 2) импорт таркибида инновацион маҳсулотлар улуши; 3) импортнинг танланган белги асосидаги таркиби.

4. Юқорида келтирилган иқтисодий хавфсизликга ёндашув негизида ташқи савдони божхона омили асосида бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича келтирилган кўрсаткичлар ташқи иқтисодий фаолият самарадорлига ва иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш сифатини оширишга услубий асос яратади.

## Хулоса

1. Ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил қилишда аниқ ҳисобланган статистик методларга суяниш лозим. Чунки ташқи иқтисодий алоқалар мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бош омилларидан биридир. Қайси мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий кўрсаткичи бўлмиш ташқи савдо ижобий сальдога эга бўлса, ушбу мамлакат иқтисодий ўсишнинг юқори имкониятларига эга бўлади. Лекин ташқи савдонинг ижобий томонлари билан бир қаторда унинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Агар мамлакатнинг ташқи савдо сальдоси узоқ йиллар мобайнида манфий қийматга эга бўлса, бу мамлакатнинг ташқи қарзлари миқдорининг ортишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ўсишнинг пасайишига ва макроиқтисодий барқарорликнинг сусайишига олиб келади. Шунинг учун ташқи савдони ташкил қилишда аниқ ҳисобланган статистик методларга суяниш лозим.

2. Ҳар қандай статистик тадқиқотнинг самарадорлиги ва ишончлилиги ундаги кўрсаткичларнинг қандай маълумотлар базасидан олинганига боғлиқ бўлади. Шундай экан, бошқа соҳалар каби ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам статистик таҳлил қилишда маълумотлар базаси муҳим роль ўйнайди. Ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисидаги маълумотларнинг холис ва ишончли бўлиши биринчидан, статистик таҳлил натижаларининг аниқлигини таъминласа, иккинчидан ушбу иқтисодий жараённинг келажакдаги ҳолатини прогнозлашда катта аҳамият касб этади.

3. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тўлов баланси орқали амалга оширилади. Тўлов балансини тузишдан асосан икки мақсад кўзланади. Биринчидан, ҳар бир мамлакат мамлакатнинг ташқи дунё билан бўлган иқтисодий муносабатларини натижаларини билиши мумкин, иккинчидан, бошқа мамлакатлар тўлов балансидан фойдаланган ҳолда дунё миқёсида товарлар, хизматлар, инвестиция ва кредитлар бозорида бўлаётган жараёнларни билишга имкон

бўлади. Шу сабабли, ҳамма мамлакатларда тўлов баланси ягона андоза асосида тузилади.

4. Мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси 2004 йилда 7990,9 млн. АҚШ долларини ташқи қилган бўлса, 2012 йилга бориб ушбу кўрсаткич 27321,3 млн. АҚШ долларини ташқи қилган. Яъни, 2004 йилга нисбатан 2012 йилда 3,4 мартага ошганини кўришимиз мумкин. Экспорт 2004 йилда 4658,7 млн. АҚШ долларини ташқи қилган бўлса, 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 15609,9 млн. АҚШ долларини ташқи қилмоқда. 2004 йилга нисбатан 2012 йилда 3,3 мартага экспорт ҳажми ошган. Импорт 2004 йилда 3332,1 млн. АҚШ долларини ташқи қилган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 11711,3 млн. АҚШ долларини ташқи қилган. 2004 йилга нисбатан 2012 йилда 3,5 мартага ошганини кўришимиз мумкин. Ташқи савдо сальдоси 2004 йилда 1326,6 млн. АҚШ долларини ташқи қилган бўлса, 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 3898,6 млн. АҚШ долларини ташқи қилган. 2004 йилга нисбатан 2012 йилда ташқи савдо сальдоси 2,9 мартага ошганини кўришимиз мумкин.

5. Кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бориши яққол кўзга ташланмоқда. 2012 йилда умумий экспорт ҳажмида хомашё бўлмаган товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташқи этди.

6. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 2000-2011 йиллар оралиғида (2002 йилдан ташқари) мунтазам ўсиб бориш характериغا эга. Бу даврда ўзининг минимал қийматига 2002 йил (5700,4 млн.дол.) да эришган бўлса, максимал қийматига эса 2011 йил (25537,1 млн.долл.)да эришган.

7. 2001 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо сальдосида кескин пасайиш кузатилиб, унинг ҳажми 33,5 млн.долл.ни ташқи этган. Шунингдек, ушбу тенденцияда 2002-2006 йиллар оралиғида ушбу тенденцияда кескин ўсиш юзага келган бўлса, 2008 йилда эса, аксинча, кескин пасайиш юз берди.

8. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган асосий экспорт товарларига жаҳон бозоридаги қулай нархлар конъюктураси 2011 йилда экспорт ҳажми ўсишининг асосий омилларидан бири сифатида сақланиб қолди. Йил давомида пахта хом-ашёси ва толасининг жаҳон бозоридаги нархларининг ўсиши дунё бўйича пахта ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ва истеъмолнинг ошиши натижасида давом этди. Сўнги йилларда олтиннинг бир унциясининг нархи 1105,5 долларгача кўтарилди, бу эса сўнгги 24 йил учун рекорд даражадаги котировкадир.

9. Божхона статистикасида танланма кузатиш, иқтисодий индекслар, корреляцион-регрессион таҳлил ва динамика қаторлари усулларида кенг фойдалана оладиган мутахассисларни тайёрлаш ва уларни малакаларини ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

10. Мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти тизимида рўй бераётган мураккаб вазиятларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиёти ўсишини таъминлаш ва аҳоли турмуш шароитини юксалтиришга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсатни янада такомиллаштартиш зарур. Ташқи иқтисодий сиёсат соҳасида белгиланган стратегик вазифаларни амалга оширишга мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишини янада жадаллаштириш, анъанавий экспорт маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш ва экспорт номенклатурасини кенгайтириб бориш; қўшилган қийматга эга бўлган экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини янада кўпайтириш орқалигина эришиш мумкин.

Магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича бажарилган тадқиқотлар натижасида ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини ошириш ва уни ривожлантириш бўйича қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

- ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;

- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истикболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;

- транспорт – коммуникация тизимларини ривожлантириш;

- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш;

- экспортни ривожлантиришнинг зарур шарти сифатида хорижий валюта бозорини эркинлаштириш;

- республикани жаҳон хўжалиги алоқаларига кириб боришига имкон берадиган нисбатан ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкил этиш;

- товарларни экспорт ва импорт қилишни имтиёзли тартибини жорий қилиш;

- нотаиф услублар орқали тартибга солинадиган товарлар рўйхатини қисқартириш;

- хорижий кредитлар ва инвестицияларни биринчи навбатда керакли, устувор тармоқларга жалб қилиш;

- ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини ташкил этишнинг қонуний асосларини такомиллаштириш;

-иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида халқаро иқтисодий алоқаларни хар томонлама кенг қамровли ифодаловчи янги статистик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

-мамлакатимиз турли тармоқлари иқтисодий савдо фаолиятини чет эл мамлакатлари иқтисодиёти билан мувофиқлаштириш ёрдамида юзага келадиган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш ва статистик тахлил қилиш;

-чет эл мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни самарадорлигини ошириш манбалари ва омилларини аниқлаш;

- жаҳон бозорида Ўзбекистон экспортининг мавжуд афзалликларидан фойдаланиш ва янги имкониятларга эришиш;

- божхона статистикасида танланма кузатиш, иқтисодий индекслар, корреляцион-регрессион таҳлил ва динамика қаторлари усулларида кенг фойдаланиш;

- божхона ходимларини ишга олишда статистика соҳасини чуқур биладиган, яъни, юқорида санаб ўтилган статистик усулларни қўллаётладиган ходимларни жалб қилиш.

Ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятни самарали йўлга қўйиш мамлакатда валюта тушумларини кўпайтиради, истеъмол бозорини зарур маҳсулотлар билан тўлдиради ва ўз навбатида халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Юқоридаги вазифаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳал қилиниши Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятининг янада барқарор ривожланишига замин яратади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Экспорт назорати тўғрисида»ги Қонуни, Халқ сўзи газетаси 2004 йил 196-сон, 1-бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишлар ҳақида, 2000 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни. 2002 йил 12 декабр, №441-П. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси – 2002.– №12.
5. “Давлат статистикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т., 2002 йил 12 декабр, №441-П.

#### **II. Ўзбекистон Республикаси Президент Фармонлари ва Қарорлари. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.**

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, 2005 йил. Хабарнома, 3-сон, 16-бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлари (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги Фармони, Халқ сўзи 1999 йил 11 октябрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида» ги Қарори Халқ сўзи газетаси, 1996 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилгамўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилгамўлжалланган инвестицион

дастури тўғрисида»ги 1455-сонли Қарори.

11. «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини ташкил этиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8 – сонли Қарори. 2003 йил 8 январ.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишни такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 66-сонли Қарори, 2001 йил 2 февралдаги.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Экспорт ва импорт операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 416-сонли Қарори, 2003 йил 30 сентябр.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий химоя қилишни кучайтиришга доир кўшимча чора тadbирлар тўғрисида»ги Қарори. Халқ сўзи газетаси, 2003 йил 3 май.

**III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари.**

15. Каримов И.А. «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан кўриб бўлмади». Т.: Халқ сўзи газетаси. 2007 йил 13 феврал.

16. Каримов И.А. «Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида». Т.: Ўзбекистон. 2005 йил. 175 б.

17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т: Ўзбекистон. 2009. - 56 б.

18. Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.

**IV. Асосий адабиётлар.**

19. Авдукушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: Инфра-М. 2002 г.

20. Абдуллаев Ё. «Статистика назарияси». – Т.: Ўқитувчи, 2008. 465 б.

21. Башкатов Б.И. Международная статистика. Учебник. – М.: Дело и

сервис. 2000г.

22. Болтабоев М., Кучаров А. Ўзбекистоннинг халқаро савдодаги ўрни. – Т.: Фан нашриёти. 2005 й.

23. Внешнеэкономическая деятельность: вспомогательные операции и государственное регрумирование. Учебное пособие. В.П. Марьяненко и (др.): под общей ред. В.И. Череннова. Ростов н/д: Финикс. 2008. – 632 с.

24. Фамичев В.И. Международная торговля. – М.: Инфра – М, 2003 г.

25. Жалолов Ж.А., Ахмедов И., Хатамов И. Ташқи иқтисодий фаолият асослари. – Т., 2005 й.

26. Основы международной статистики. Учебник. / Под общ. ред. Ю.Н. Иванова. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 621 стр.

27. Шодмонов Ш., Жўраев Н. «Иқтисодиёт назарияси». Маърузалар матни. Т.: 2000, 84-бет.

28. Миховинова Г.А. Павлова Е.Е. Внешнеэкономическая деятельность. Учебное пособие. – М.: Эксмо. 2009. – 320 с.

29. Назарова Г.Г. ва бошқалар. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. – Т.: МЧЖ «RAM-S», 2007 й.

#### **V. Қўшимча адабиётлар.**

30. Алимов А., Хамедов И. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. – Т., 2009.

31. Аюбжонов А.Х. Ташқи иқтисодий фаолият. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004. – 121 бет.

32. Жалолов Ж.А., Ахмедов И., Хатамов И. Ташқи иқтисодий фаолият асослари. – Т., 2005 й.

33. Набихўжаев А.А., Махмудов Б.М., Насретдинова Ш.С. Молиявий дастурлаш. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2005. 268 б.

34. Набихўжаев А.А., ва бошқалар. Халқаро статистика. – Т.: ТМИ, 2010. – 124 бет.

#### **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.**

35. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Тошкент 2006, №3-4.

36. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали «Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари» мақоласи, М.Пардаев, Г.Шодиева, Ж.Исроилов, 2003 йил январь-февраль сони, 35-37 бетлар.

37. Ўзбекистон Иқтисодиёти журнали (таҳлилий шарҳ 2004 йил), март-2005, 34-35-бетлар.

38. «Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш-Ўзбекистоннинг БСТга интеграциялашуви негизи». З.Каримова Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. БПК журнали 2005 йил 2-сон 61-63-бетлар.

39. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги журнали. 2011 й. 1-сон, «Экспортный потенциал малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан».

40. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланаган прогнозлари. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 91

41. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги статистик ахборотномаси. ДСҚ. Тошкент, 2011 й. 202 б.

42. Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси 2010. – Т., ДСҚ, 2011.

43. Промышленность Республики Узбекистан 2009. Статистический сборник - Т., 2010. 115 с.

44. Статистический ежегодник регионов Узбекистана 2010. Статистический сборник – Т., 2011. 215 с.

## **VII. Интернет сайтлари.**

45. [www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz)

46. [www.pca.uz](http://www.pca.uz)

47. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

48. [www.review.uz](http://www.review.uz)

49. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)

50. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)